

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 9 (3381)

2001 йил 1 март, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Бош муҳаррир минбари

КЕКСАЛАРНИ УНУТМАНГ...

Олма сотувчилар катта-кичик, паст-баланд идишлардаги артиб-суртилган меваларини кўз-кўз қилишга уриниб, ҳамиша бирор ҳаракатда бўлиб турадиган савдо қаторида қирмизи, серсув олма тўла қути ёнида турган Нурилло бобо бу орага ноўрин сукулиб кириб қолгандай бегонасираб турарди. У атрофдагиларга ўхшаб бақириб-чақириб харидорларни чорламайди, балки банан учун мўлжалланган, энди олма жойланган ягона қозғоқ қутиси тепасида унинг товланадиган олмаларига ҳам харидор эътибор беришини жимгина қўтиб турибди.

Ён-веридидаги серҳаракат сотувчилар нуқтаи назаридан уни тушуниш мумкин. Бозорга олиб келган олманг аъло сифатли бўлганидан кейин овозни хирллайтиб бақириб-чақириб на ҳолат? Уни кўриб, қўлига олиб кўрган ҳар қандай харидор ҳам ёқимли ҳиди, лоладек товланадиган туриши олдида тоб беролмайди, албатта харид қилади. Ахир, боғларимизнинг бундай неъматларини кўкламгача дарахтдан янги узилгандай асраб етказиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди-да. Шу боис, одамлар кекса боғбоннинг олмаларини савдолашиб ўтирмасдан олаверишади. Борди-ю, ҳар қалай кимдир савдолашиб қолса-да, нархни бироз туширишни сўраса, Нурулло бобо дарҳол рози бўлади.

Шунда ён-веридидаги сотувчиларнинг жон-понлари чиқиб кетади: харидорларга ён босавериб, Нурилло бобо чайковчилар уларнинг иккинчи навли олмалари баҳосини мўқим юқори даражада ушлаб туришларига ҳалақит берарди. Бугун ҳатто унга дўк-пўписа ҳам қилишди. Шу атрофда чайковчилик қилиб юрган барзанги йигитлардан бири унга яқинлашиб келди-да, агар найрангбозлигини ташламай, нархни пасайтираверсанг, шундай қиламанки, сендан мана бу олмаларингни ҳам тортиб олишади, ортиқ бозорга ҳам йўлатишмайди.

Бирок, Нурилло бобони мўчатиш мушкул. Қария айти қарсиллатиб кетмон чопиш ёшида бозорда чайковчилик қилиб юрган бу барзангига пинагини ҳам бузмасдан тикилиб тураверди. Иккинчидан, милиция участка вакили бўлиб ишлагани учун бутун умри мобайнида у ўз йўлига қўндаланг турган озмунча "шоввоз"ларни кўрди-ми? Уларнинг кўплари қўлда қурол билан унга даф қилган вақтлар ҳам бўлган. Лекин шунга қарамайдан у бозордаги безорилар билан нари-бери айтишиб ўтиришни ўзига эп кўрмасди. Бу яхшиликка олиб бормаслигини билгани учунгина эмас. Асло.

У бозорда шунчаки гоҳи-гоҳида пайдо бўлади. Ушанда ҳам олиб келган молини тезроқ сотиб, бошқа ишларини тезроқ битириб кетишга ошиқади. Бозорга келиб-кечиб туриши невараларини бот-бот кўриб кетиш истаги билан боғлиқ. Мана, у Паркент туманидан йўлга тушиб, невараларини кўриб кетишга шошиляпти.

Бир қути олмани у нега ортомқлаб юрибди? Бозордаги безори билан айтишиб қолганида мўйсифидни ҳимоя қилган кекса чайковчи аёл унга шу саволни берди. Шунда қария катта шаҳарга ташрифи сабабини унга гапириб, қўшиб қўйди:

— Ахир, пенсия пулига кичкинтойларимга совға-салом ололмайман-ку. Ҳозир ҳамма нарсаси қимматлашиб кетди. Шу боис, олмани олисдан ортомқлаб келишга мажбурман. Шунинг сотиб, болакайларга у-бу олиб кираман. Олмаларни қаердан оламан? Шукр, қишлоқда уй-жойим бадастир, чоғроққина боғим ҳам бор. Айти ҳосилга кирган даври. Шаҳарга кўчиб келиб қолган уч ўғлимнинг оиласини ҳам қишлоқ олма билан сийлайман, қўшни болаларга ҳам етиб ортади. Шунда ҳам анчагинаси ортиб қолади. Қуруқ қипиқлар орасида қиш бўйи саклайман, қўкламгача етказиб келаман.

Икки йилча илгари ҳам Нурулло бобонинг ўзи Тошкентда яшарди. Шаҳар марказида тўрт хонали шинамгина хонадони бўларди. Ушанда уни сотиб кетишга мажбур бўлди. Бир ўғли тижорат билан шугулланиб "синди". Бўйнига каттагина қарзни олиб қўйишди. Бирор қор-қол бўлмасин дея, уйини сотиб, қишлоқда кўчиб кетишга отасини кўндирди. Ушандан буён Нурилло бобо ўша томонда яшайди, фақат набираларини соғиниб, гоҳ-гоҳ уларни кўргани шаҳарга келиб туради.

Ўғиллари уларни боболари ҳузурига нима учун олиб боришмайди? Авваллари олиб келишарди. Болалар табиат қўйнида қийқириб, ўйнаб юришини кузатиб ўтириб, бобонинг ўзи ҳам ёшариб кетгандек бўларди. Бора-бора ўғиллари тижоратга шунчалик шўнғиб кетишдики, қишлоқда қиқиб келишга вақт тополмай қолди. Қолаверса, ҳар қайсиси яп-янги "Нексиа" миниб юради. Аслида Тошкентдан Паркентга келиб-кечиб улар учун ҳеч нима эмас. Бирок, чамаси, бунга қўллари тегмайди. Ўғилларим хонадонидан меҳмонда бўлсам, олис хорижлардан олиб келинган ноз-неъматлар билан сийлашади. Уларни юмуш билан хорижга борганларида олиб келишади. Шу боис, набираларимга шунчаки оддий қанд-қурселарни кўтариб боришга қўнглим бўлмайди. Ахир, улар қимматбаҳо ноз-неъматларга қўниқиб қолган-да...

Қишлоқда қариндош-уруғларим борми? Йўқ, у томонларда бирор томирим йўқ. Кампиримни Тошкентда яшаб юрган кезларимок жойи-ростонига қўйганман. Энди бўлса, бегона кишилар орасида ўзим ёлғиз яшайман. Гарчи уларни бегоналар деб ҳам бўлмай қолган. Яхши қўшниларга ёндошман, ҳар доим ҳолимдан хабар олиб туришади. Шу қиш десангиз, қаттиқ дард тортиб қолдим. Иссиғим кўтарилиб кетди. Ҳафта-ун кун ёстиқдан бош узолмай қолдим. Барака топишин, қўшниларим аҳолимни кўриб, хонадонимдан оёқ узишмади. Туман марказидан катта дўхтирни олиб келиб кўрсатишди. Пул йиғиб, дори-дармон олиб келишибди, билсангиз. Хуллас, мени оёққа турғазиб олишди. Ахир, шундай кишиларни бегона дейишга тил борадими?!


Болаларим ботоб бўлиб ётганларимни билишадими? Албатта, билишмайди-да. Бўлар-бўлмасга уларни безовта қилишнинг ҳолати борми. Ҳар бирининг ўз ташвиши ўзига етарли. Ўз тижоратлари ичига шўнғиб кетишган, фикри-хаёллари фарзандларини оёққа қўйиш. Олдинги келганимда ер участкалари олиб, ўзларига уй қуришни бошлаб юборишганини айтишди...

— Уйларни битказишса, балки сизни ёнларига олиб кетишар? — хайрихоҳлик билан сўради кекса аёл. — Жуда соз бўларди-да. Набираларингиз эрта-кеч бағрингизда бўлишарди. Шу ёшингизда олма тўла қутини ортомқлаб юришингизга ҳам ҳолат қолмасди.

— Билмадим, — оқсоқол бир хўрсиниб қўйди. — Ҳозирча бундай ният билдиришгани йўқ. Ўзимни бўлса, ялингим келмайди. Ўз болаларимга юк бўлишни истайман. Ўзим ҳам қишлоқда яшашга ўрганиб қолдим. Қўшниларим ажойиб одамлар. Бўёқда боғга ҳам қараш керак. У ҳамиша парваришга муҳтож.

Бир чеккада инсон тақдирининг бунақанги ўйинларига доир ҳикояни эшитиб туриб, беихтиёр ўйланиб қолдим. Ҳар биримизнинг ҳаётимиз турлича кечади. Бировлар ёшлиқдан оила-турмушини йўлга қўйиш, болаларини ўқитиш, уй-жой қуриш учун терга ботиб меҳнат қилишади. Кексалиқда эса, ўз нури-дийдалари томонидан унутилиб, ёлғизликда қолиб кетишади. Албатта, Нурилло бобо воқеаси ўз хусусиятига кўра кўп ҳам ўчрайверадиган ҳодисалардан эмас. Бу воқеадан қандайдир кўп маъно берувчи ҳулосалар чиқармаслик керак. Бирок, афсуски, бундай воқеалар ҳар қалай рўй бериб турибди. Бунга сабаб нима? Эҳтимол, бунинг айбодори бағоят тезкор суръат касб этган ҳаётимизнинг ўзидир? Ёки, бозор ғала-ғовурида, зебу зар кўтидан қувиб, айримларимиз маънавий қадриятларни, инсонийликни унутиб қўётгандирми? Нима бўлганда ҳам Нурилло бобо воқеасини мулоҳаза қилиб кўрмоқ лозим бўлади. Зеро, бизнинг мамлакатимизда меҳр-муруват кўрсатиш, қарияларимизга хурмат-эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ва бу бош ғояни ҳар биримиз қалбларимизга жо қилиб олмоғимиз даркор.

АССАЛОМ, БАҲОР!



Турналар келди, болам, бу ёғи энди кўклам!..



1 март – Бутунжаҳон фуқаро муҳофазаси куни



4 март — ИИВ Қоровул қўшинлари ташкил топган кун



Ийд ал-Адҳа — Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Tabassum +TV

ПОК НИЯТИНГИЗ ИЖОБАТ БЎЛСИН!

Маълумки, 2000 йилнинг ноябрида Республикамиз Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шароитлар яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш борасида ишларни янада яхшилаш бўйича қарор қабул қилган эди.

Мустақиллигимиз шарофати билан жорий йилда тўрт мингга яқин фуқароларимиз муқаддас ҳаж зиёратига жўнаб кетдилар. Зиёратга борувчиларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш, уларни "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ажратган махсус самолётларда кузатиш ва уларни кутиб олиш, табиий, ички ишлар идоралари айрим хизматлари ходимлари зиммасидадир. Бу борада ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси ходимларининг ишини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар зиёратчиларни кузатиш бўйича тузилган режага асосан иш олиб бориб, ҳар бир зиёратчининг ҳужжатларини тез, сифатли расмийлаштиришга эришдилар.

Бу йил ҳаж зиёратига борувчилар учун сафар тадориги ўта мукамал кўрилган, дейди Саудия Арабистонининг Ўзбекистондаги элчихонаси масъул ходими Н. Юсупов. — Бунда республика Диний қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси ходимларининг ҳамкорликда иш олиб борган-

лари айна муддао бўлди. Эгиларига қордек оқ либос кийиб, ҳаяжон ила кузатувчилар билан хайрлашаётган зиёратчиларга яқинлашамиз.

— Ўтган йили умрага борган эдик. Яратганга минг қатла шукр, мана, ҳаж зиёратига бориш ҳам насиб этди, — дейди қувончдан кўзларига ёш олиб тошкентлик Наима опа Тожиҳўжаева. — Мустақиллик, юртимизда тинчлик-осойишталик бўлмаганда бу имкониятлар қерда эди? — Наима опанинг сўзларини турмуш ўртоқлари Султонхўжа ака, Маъмура опа Ражабова каби кўплай зиёратчилар бир оғиздан тасдиқлайдилар.

— Бугунги гуруҳимиз Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон республикасида йўлга чиққан зиёратчилардан иборат, — изоҳ берадилар гуруҳ бошлиқлари М. Қодиров ва З. Хайдаровлар. — Уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, мана шу имкониятларни берган мустақиллигимизга, юртбошимизга шукроналарини айтиб тугата олмайдилар...

Милиционер йигитлар бир четга курси қўйиб, икки қарияни таклиф қилади.

— Улар фарзандлари, наби-ралари билан бемалол хайрлашиб олсинлар, — дейди милиция катта лейтенанти С. Муҳиддинов.

Бу қариялардан бири — қорақалпоғистонлик Қ. Жуманиязов бир жамоа хўжалигида 38 йил механизаторлик қилган экан.

— Шунча йил соф виждон билан ишлаб нафақага чиқдим, мустақиллигимиз шарофати билан муборак заминга бориб ҳар бир мусулмон бандаси имкон қадар бажариши лозим бўлган амаллардан бири ҳажга боришдек шарафли ишни бажаришдан хурсандман, — дея қувонади 73 ёшли бу отахон.



ИИБ ХЧКваФБ, Божхона, чегара хизматлари "Тошкент" аэропорти ва Тошкент шаҳар ИИББ ХЧКваФ бошқармаси ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли бу йилги кузатув маросимлари ўтган йиллардагига нисбатан аъло даражада ташкиллаштирилгани билан бирга фуқаролар-

нинг ноқонуний равишда ҳаж сафарига боришларининг ҳам олди олинди. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида, шаҳар, туман ҳокимлари, маҳалла кўмиталари раислари, маҳалла сардорлари ва ИИБларнинг тегишли хизматлари ходимлари иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, ноқонуний йўллар билан ҳаж сафарига чиқилишининг олдини олиш борасида тегишли тadbирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, қўшни Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистондан ҳаж сафарига отланган зиёратчиларни республикамиз ҳудудида кутиб олиш-кузатиш ишлари ҳам кўнгилдагидек амалга оширилди.

Баҳорнинг илк кунларида, Наврўзи олам арафасида она юрти, туғишганлари бағрига қайтишни ният қилиб, сафар олдидан юртимизда доимо тинчлик-хотиржамлик, мустақиллигимиз боқий, юртбоши-

миз соғу саломат бўлишини тилаб сафарга йўл олган зиёратчиларимизнинг пок ниятлари ижобат бўлгай...

Ўз мухбиримиз.

Суратда: "Тошкент" аэропортида зиёратчиларни ҳаж сафарига кузатиш маросими.

Касб маҳоратимизни оширамиз

Республика ички ишлар идоралари ходимларининг касб маҳоратини ошириш тизимида бошланган янги ўқув йили давомида таълим бериш жараёни такомиллаштирилади, машғулотлар мавзун янада кенгайтирилади, улар назарий билимлар олиш ҳамда амалий тажрибаларни эгаллаш борасидаги янги мазмун билан бойитилади.

ҲАМ НАЗАРИЙ, ҲАМ АМАЛИЙ

Машғулотларда барча даражадаги раҳбарларнинг ҳар томонлама мукамал хизмат тайёргарлигига эга бўлишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Зеро, фақат олий малакали, тажрибали мутахассисгина қўл остидаги ходимларга самарали раҳбарлик қила олиши мумкин.

Хизмат ва жанговар тайёргарлик дастуридан ўрин олган дастлабки машғулоти республика Ички ишлар вазирининг муовини, милиция полковниги Б. Сиддиқов олиб борди. Ушбу гуруҳга Бош бошқармалар, бошқармалар, ИИБ мустақил бўлимларининг бошлиқлари ва уларнинг муовинлари киритилган. Б. Сиддиқов машғулоти очар экан, тўпланганлар эътиборини бошлиқлар ўзлари раҳбарлик қилаётган бўлимларда хизмат ва жанговар тайёргарликни ташкил этишда аввало ўзларига талабчан бўлишлари ва масъулиятни чуқур ҳис этишлари лозимлигига қаратди. Бу эса касб маҳоратини оширишда катта аҳамият касб этади. У йиғилганларга тарбиявий ва ташкилий ишлар, бошқарувга оид қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга жиддий муносабатда бўлиш, иш ва хизмат бурчига амал қилишда шахсий ўрнак кўрсатган ҳолда шахсий таркибни қўйилган вазифаларнинг бажарилишига сафарбар этиш зарурлигини ўқитди.

Шундан сўнг сўзга чиққан республика ИИБ котибияти бошлиғи, милиция подполковниги Ш. Иноғомов ички ишлар идоралари ва бўлинмалари фаолиятида меъёрий ҳужжатлар махфийлиги режимини таъминлаш хусусида тўхталди, буйруқлар тайёрлаш, ариза ва шикоятларни қонунчилик асосида қўриб чиқишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тушунча берди.

Республика ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш бўйича инспекция бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Х. Раҳимжонов ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида хизмат интизомини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар, қонунга хилоф бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш юзасидан ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Республика ИИБ бўлим бошлиғи, ички хизмат полковниги Н. Ракицкийнинг ички ишлар идораларида мавжуд кучлар ва воситаларни бошқаришни ташкил этиш, аynиқса фавқулодда вазиятларда бунга алоҳида эътиборни қаратиш, ИИБ хизматлари ва бўлинмалари, шунингдек, бошқа назорат ташкилотлари, хусусан МХХ, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш бўйича айтган фикрлари барчада қизиқиш уйғотди. Бунда, аynиқса раҳбарлар бўғинининг роли, ҳаракатдаги куч ва воситаларни мувофиқлаштиришда унинг қобилияти муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.

Машғулоти давомида республика ИИБ ЖИЭББ бошлиғининг муовинлари, ички хизмат подполковниклари Р. Ахсаниев ва Х. Аъзамовлар маҳбўсларни сақлаш режими, жазони ижро этиш тизими фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, бошқа хизматлар билан алоқаларни йўлга қўйиш тўғрисида гапиришди.

Республика ИИБ ШТБХХ бошлиғининг муовини, милиция подполковниги А. Юнусхўжаев ўтказилган машғулотнинг долзарблиги, тажриба алмашиш, алоқаларни йўлга қўйиш ва раҳбарлар дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутганини айтиб ўтди. Келгусида ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлиги оширилиши, назарий билимлар полигонларда турли русумдаги қуроллардан ўқ отиб, шунингдек, тактик-хизмат тайёргарлиги орқали амалий мустаҳкамлаб борилиши ҳам таъкидланди.

Ўз мухбиримиз.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА ЙИГИЛИШ

Қорақалпоғистон республикаси Ички ишлар вазирлигида террорчилик ҳаракатларига қарши курашни янада кучайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги С. Полвонов очди. У йиғилганларни бу борада Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар идораларида амалга оширилган ишлар билан атрофлича таништирди. Шу билан бирга диний-экстремистик оқим аъзоларининг конституциявий тузумимизга қарши қилаётган иттиҳодига — террористик ҳаракатларининг олдини олиш ва унга қарши курашишда маҳаллий ҳокимиятлар ҳамда фуқаролар олдида турган масалаларга ҳам алоҳида тўхталди. Бу масала бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг бўлим бошлиғи З. Шомуротова, Нукус шаҳар ҳокимининг ўринбосари П. Зарекеевлар ҳам сўзга чиқиб, мамлакатда осойишталикни таъминлашда

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳаллий корхона, ташкилотлар раҳбарлари ҳам бефарқ бўлмасдан ўз улушларини қўшишлари зарурлигини айтиб ўтдилар.

Вазир ўринбосари, милиция полковниги А. Избосаров республикада фуқароларнинг паспорт режимига амал қилиши, шаҳар ва қишлоқларда бу борадаги ишларни кучайтириш, камчиликларни аниқлаб, бартараф этиш, шаҳардаги кўп қаватли уйларнинг чордоқ ва ертўралари устидан назорат ўрнатилган маҳалла фаолларининг ролини ошириш, маҳалла посбонларининг ички ишлар идоралари билан ҳамкорликдаги тунги посбонликларини кучайтириш каби долзарб масалаларда сўз юритди.

Йиғилиш сўнггида бу борадаги ишларни янада яхшилаш бўйича қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.



САНИТАРИЯ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Н. Отабеков санитария милицияси билан ҳамкорлик юртимизда санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилашда самарали бўлаётганини таъкидлади. У баъзи вазиятларда фуқароларимиз врачларнинг маслаҳат, йўл-йўриқ ва талабларига амал қилаётгани, шунда милиция ходимлари ёрдамга келаётганини, уларнинг ҳокимият вакили сифатида обрў-эътибори иш бераётганини очик айтди. Нотиқ аҳолининг санитария маданиятини оширишда ички ишлар ходимларининг ўрни катта эканлигини эътироф этиб, йиғилганларни бу борада ҳамкорликни янада фаоллаштиришга қақирди.

Қўшни давлатларда безгак, куйдирги каби юқумли касалликлар учраб турибди. Мамлакатимизда ҳам менингит, вирусли гепатит қайд этилаётгани ҳеч қимга сир эмас. Бу сизу биздан тарғибот-ташвиқот ишига зўр беришимизни талаб қилади, деди нотиқ.

Б. Расулов ўз навбатида карантин-қўриқлаш хизмати ходимларининг ўтган йилда эпизотик ҳолатнинг барқарорлигини таъминлаш, четдан турли юқумли касалликларга чалинган чорва моллари киритилишининг олдини олишда, эмлашни ташкил этишда кўп саъй-ҳаракат қилганликларини айтиб, бу борада олдинда турган вазифалар устида тўхталди.

ИИБ ҚР ва ТҚКББ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги И. Пягай ўз чиқишида соҳа вакиллари хизмат вазифаларини бажариш пайтида кўпинча жамоатчилик орасида бўлишини назарда тутиб, юртимизда

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари карантин-қўриқлаш тadbирларини таъминлаш ва санитария милицияси бўлинмалари сардорлари билан семинар-йиғилиш ўтказилди. Унда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош санитария врачининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори Н. Отабеков, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария Бош бошқармаси ветеринария назорати бошлиғи Б. Расулов иштирок этишди. Семинарни ИИБ ЖТСБ бошлиғи, милиция полковниги Қ. Тошмуҳамедов очди.

тезкор вазиятни барқарорлаштиришга ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари лозимлигини, бирор дақиқа ҳам ҳушёрликни йўқотмасликлари кераклигини ўқитди.

Вазирлик ШТБХХ бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги М. Худойназаров эса ходимларнинг касбий тайёргарлиги устида тўхталиб, тегишли буйруқлар талабларини эслатди, услубий йўл-йўриқлар, маслаҳатлар берди.

Шундан сўнг ИИБ Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи Қ. Тошмуҳамедов карантин-қўриқлаш ва санитария бўлинмаларининг ўтган йилдаги фаолияти ҳақида батафсил гапирди. Мавзуда хизматнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар малакасини ошириш бўйича қилинган ишлар ва режалаштирилган тadbирлар ўз аксини топди. Эришилган ютуқлар қайд этилиши билан бирга йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг сабаблари ҳам чуқур таҳлил қилинди, қатнашчилар жойлардаги илғор тажрибалар билан таништирилди. Тегишли қонунлар, қарорлар ва буйруқлар, жумладан, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тadbирлари мажмуи талабларидан ҳамда таҳлил натижаларидан келиб чиқиб келгуси вазифалар белгилаб олинди.

М. МАЗАНОВ,

ИИБ ЖТСБ бўлим бошлиғи, милиция подполковниги.

Суратни Д. ИСМОИЛОВ олган.

Рус ёзувчиси И. Криловнинг "Оққуш, Қисқичбақа ва Чўртанбалик" масали кўпчилик катталарнинг ёдидадир. Мактаб ёшидагилар таълим-тарбияси муаммоларини ўйлаганимда шу асарни эслайман. Фарқи — масал қахрамонлари юкни силжитишга ҳаракат қилишса, бола тарбиясига масъуллар: мактаб, маҳалла ва ота-она баъзан жавобгарликни бир-бирига юклаш пайида бўлишади. Уларнинг қай бирига қулоқ бериб кўрманг, ҳар қайсиси ҳам ҳақдек туюлаверади. Аммо аслида-чи?

Гапни мактабдан бошлайлик. "Кўпчилик ота-оналар ҳамма ишни мактабга ташлаб қўйишди, ўзларини тирикчиликка уришган, нима эмиш — болаларининг ўқишига, тарбиясига қарашга вақтлари йўқ эмиш. Муаллим иши учун ойлик олаптими — қарасин-да дейишади" — бу бир мактаб директорининг ҳасрати.

"Шундай ота-оналар элик фойизга борадими?" — сўрайман.

"Етмиш-саксон фойиз дейверинг".

"Ишонасизми, мактабга бир кун папка кўтариб келса, бошқа кун папкасиз келадиганлари бор. Дафтар-қаламни-ку айтиб ўтирмай. Сўрасак, эсимдан чиқибди дейишади. Ахир, ёлғонлиги кўриниб турибди-ку. Ота-онаси қарамайдими? Айримлари тез-тез дарс қолдиради. Уйига кўнгирак қилсангиз, ҳеч ким жавоб бермайди. Вақт топиб борсангиз, эшиги қулфлоглиқ. Кечкурун ота-онасига сим қоқсангиз, эрталаб папка кўтариб чиқиб кетувди-ку, кечиринг, иккинчи марта қилмайди дейишади. Ҳар сафар шу гап. Ҳаммасидан ҳам дарсга келмаган боланинг соғ-саломатлигини билмаганимизча юрагимизни ҳовучлаб турадим. Худо кўрсатмасин, уларга дарс пайтида кўча-кўйда бирор кори ҳол бўлса, биз жавобгар бўламиз. Қаёққа қарадинг, нега суриштирмадинг, топмадинг дейишади. Энди ана шундай ҳадик-хавотир юрагини ўртаётган ўқитувчининг қай аҳволда дарс ўтишини тасаввур қилинг", — куюниб суҳбатга қўшилиди бир ўқитувчи.

"Ана шунақа ашаддий прогнотик болаларнинг ота-оналарини жаримага тортиб, жарима пули мактаб фондига тушиши қонунийлаштирилса яхши бўларди", — лўқма ташлайди биров.

Энди бошқа бир мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича муовини гапларига қулоқ осинг.

"Уят бўлсаям айтай, ўқитувчисини сўкишгача борадиган ўқувчилар бор. Сабаби, уларнинг ота-онаси ўқитувчини, мактабни писанд қилмайди. Очқ-ойдин болам аттестат олса бўлди, ўқишга киритиб қўяман, гаплашиб қўйганман дейишади. Бу гапдан кейин боланинг ўқигиси келадими. Мактабга келса ҳам дарсларга кирмай, йўлақларда, ҳовлида сангиб вақтини ўтказишади улар. Бир ўқувчимиз кечаси аллақайси қаҳвахонада ишлайди. Бўлмаса, ота-онасининг топиш-тутиши яхши. Кейин у дарсда ухлаб ўтиради, қулоғига ҳеч гап кирмайди".

"Ҳуқуқбузарлик содир этадиганлар ҳам учрайдими?" — сўрайман.

"Энди уларнинг ўзаро уриш-жанжали, муштлашиши бу ҳисобга кирмайди. Бир ўқувчимиз ўз уйдан 50.000 сўмликдан

қўшимча дарслар учун пул тўлашга ҳамманинг ҳам қурби келмаслигини билишади-ку. Ўқитувчи-ку моянасини ойма-ой олиб турибди, унга-ку ҳукуматимиз анча-мунча имтиёзлар яратиб берган. Ойлигини

НОБОП БОЛА ҚАЕРДАН ПАЙДО БЎЛАДИ?

ошиқ нарса ўғирлаб сотган. Бирови кундалик харажатлар учун ажратилган пулни ўғирлаган".

Ҳисобга кирмайдиган тартиббузарликлар ҳақида ўйланиб қолдим. Нега? Мактабга келган пайтим ўқувчиларнинг дарс олди йиғини бўлаётган эди. Йиғини директор ўринбосари, ўқитувчилар олиб бораётганига қарамай, сафда турган икки бола жикқамушт бўлиб қолишди. Ўқитувчилар зўрға ажратишди. Директорнинг хонасидаги "разбор"дан кейин ҳам болалар бир-бирига "ҳап саними?" дегандай тарқалишди. Нега энди бу ҳисобга кирмаслиги керак? Нега болаларга мактабда "Маска тақиб келмаганингга фалон сўм, ўзингга чой олиб келмаганингга фалон сўм жарима тўла" деганлари қулоққа чалиниб қолади?

Бераман десам саволлар кўп. Айрим болалар ўқитувчиларни ҳурмат қилмасликларига фақат ота-оналар айбдормикан? Ўқитувчиларнинг ўзлари-чи? Ўз болагимни эслайман. Менинг учун онамнинг гапларидан ҳам муаллимларимнинг гаплари таъсирли эди. Бир гал ҳатто ишқмаслигимни онам ўқитувчимга айтмоқчи бўлганларида кўрқиб кетган эдим. Уялишдан кўрққан эдим ўшанда.

Хўш, нега ўқитувчининг обрўи пасаймоқда? Айрим устозлар ўзлаштиришга қийналаётган, ҳатто дарсда тушунмай савол бераётган ўқувчиларга қўшимча дарсга қатна, соати 300 сўмдан деяртгани ҳам сабаб бўлмаяптими? Фанлар бўйича тўғараклар ҳам пуллик бўлаётгани-чи? Тўғри, бозор иқтисоди, ўқитувчи ҳам яхши яшагиси келади. Лекин улар боласига китоб-дафтарини вақтида олиб беролмаётган ночор ота-оналар ҳам борлигини,

вақтида ололмаётган, ундан кам маош олаётган, оилалар ҳам бор-ку. Нима демоқчиман? Ҳар қанақа касб кишидан фидойиликни талаб этади. Ўқитувчилик — айниқса. Навоий бобомиз устоз ҳаққини юз ганж билан адо этиб бўлмайди деганлар. Балки, устоз ўз меҳнатини фақат ганж, пул билан ўлчаши ҳам нотўғридир. Пайт келадилар, давлатимиз янада раванқ топади, муаллимларга, мактабга янаям ғамхўрлик кўрсатади.

Ўшанда ҳозир мактабларга ҳомий қилиб бириктирилган, лекин ҳеч бир ишда тузук-қуруқ ёрдам кўрсатмаётган айрим ташкилотлар раҳбарлари уялиб ҳам қолишар. Улар бир пайтлари ўзларига устозлик қилган, шу кунларда фарзандларини, келажак авлодни тарбиялаётган ўқитувчилар, мактаб директорлари мактабнинг каму кўстига ёрдам сўраб бошларини ҳам қилиб қабулларига неча бор келганларини, ҳар гал бир қоп ваъда олиб, қуруқ қўл билан қайтишганини эсларида сақлашсин.

Азиз устозлар, ана шу келажакни яратиш сизнинг ҳам қўлингизда. Келинг, бор билимингизни, меҳрингизни ўқувчиларга бетаъма беришдан қизганманг. Бир-яримингиз бунга ўзингизни қодир эмас деб ҳисобласангиз, балки бошқа бир ишнинг бошини тутганингиз маъқулдир.

Матбуотда кўп ёзилгани учун мен маҳалла-қўйнинг болага тарбиявий таъсири устида атайлаб тўхталмаяпман.

Маҳалла фаоллари "Бизнинг жонимиз мингтама? Нотинч оилаларга қарасак, одамларни ҳушёрликка чақирсак, тўй-маъракаларга бош бўлсак, ободчилик бизнинг зиммамизда бўлса", — дейишар.

Бир ҳисобда улар ҳам ҳақ. Лекин бекорга юртбошимиз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига катта ваколатлар, имкониятлар бермаяпти. Чунки улар ҳар бир оиланинг дарду ҳасратини ҳаммадан кўра яхшироқ билишади. Улар элнинг тўй-маъракасига доим қўшилиб-қоришиб юради. Болаларга, ночор оилаларга турли ёрдам пулларини маҳалла идораси бераётганининг боиси ҳам шунда. Улар қайси оила қуруқ ойликка қарагану

Жамол ҳожи Мирзаевнинг саъй-ҳаракатлари билан ана шундай муҳтож оилаларнинг фарзандларига 22.000 сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди. "Давлат ҳожи" чойхонаси эса бундай оилаларга 45.000 сўмлик ёрдам кўрсатди. "Тома-тома қўл бўлур" дейишади. Маҳалла идораси фақат тўй-маъракада эмас, биринчи галда одамларнинг қийин кунини элни қовуштириши, кишилар ўртасида меҳр-шафқатни кучайтириши керак. Бундай тadbирларнинг осойишталик, аҳиллик учун нафи анча-мунча маҳаллавий йиғинлару мажлислардан кўп бўлса бўлару, оз бўлмас.

Мен кўпни кўрган оқсоқолларга ақл ўргатиш фикридан йироқман. Бу ўй-фикрлар уларнинг анча-мунчаси ҳаёлида кезиб юргандир. Фақат "Менга зарурми оғирмаган бошимга" деган мулоҳазага боришар. Зарур. Жудаям зарур. Ҳозир бир-биримизга қайишишимиз, меҳр-оқибатли бўлишимиз, муҳтож биродаримизни суяшимиз тинч-осойишталигимиз, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишимиз учун зарур. Бунини биринчи галда ўзига тўқ биродарларимиз англаб етиши керак.

Фарзанд тарбияси борасида ота-онанинг бурчли эканлигини исботлашга ҳожат йўқ. Гап шундаки, ана шу бурч тушунчасини ҳар ким ҳар хил англайди. Эртадан кечгача тиркичилик ғамида юрганлар "Бола-чақани деб елиб-югурипман-ку, яна нима қилай? Энди дарсига ҳам мен қарашим керакми? Унда ўқитувчининг нима кераги бор?" — дейди. Боласининг оғзидан чиққанини муҳайё қилганларнинг айримлари фарзандлари нега ўғирликка қўл урганини тушунмай "Нима етишмасди унга?" — деб ҳайрон бўлади.

Баъзи болаларнинг йўқчиликдан ўзини меҳнатга, пул топишга уриб, етарлича китоби бўлмай ёмон ўқиётганини, муҳтожликдан қинғир йўлга қираётганини балки тушунса бўлар. Маҳалланинг роли борасида куюниб ёзганимиз ҳам шу боисдан эди. Аммо модомики, фарзандлар моддий муҳтож-

лик сезмасдан ҳам жиноятга қўл ураётган, билим олишга бефарқ қараётган экан, бунга бевосита биз ота-оналар айбдормикан. Демак, биз уларга етарлича эътибор, меҳр бермаяпмиз, уларнинг қўнғилида нима борлиги билан қизиқмаяпмиз.

Бир эслаб кўринг-а, боланинг билан бақамти ўтириб қачон охириги марта гаплашган эдингиз. Китобдафтарини кўтариб бир нимани сўрашга келганида вақтим йўқ, чарчаганман, отанга бор — онангга бор деб силтамаганидингиз? Фарзандингиз юрагидаги сирини сизга ийманмай, кўрқмай айта оладими? Ва ҳоказо, ва ҳоказо. Ахир, ёнимизда инсон ўсапти. Унинг ҳам сизу бизга ўхшаган юраги, туйғуси, фикри, дунёқараши бор. Ҳадемай унинг бўйи бўйимизга тенглашади. У ким бўлиб, қандай одам бўлиб вояга етади? Буларга биз масъулмиз.

Ҳатто уй ҳайвони боққаннимизда ҳам, унга ем берганда, ўтган-қайтганда эркалаб қўямиз-ку. Бунини жонивор билади-ку, ҳис қилади-ку. Одам боласи фақат еб-ичиш, кийиниш билан тирик эмас. Унга жониворлардан кўра юз чандон кўпроқ эътибор, меҳр керак. Л. Толстой бир мақоласида ташландиқ, оч-юпун болани кўчадан топиб уйига олиб келганини, кейинроқ бола иссиқ уйни, мазали овқатларни ташлаб яна кўчага саёқлик қилгани қочиб кетганини ёзади. Чунки болани асраб олишга асраб олдимиз лекин унга меҳр-эътибор бериш кераклигини ҳаёлимизга келтирмабман, деб таассуф билан эслайди даҳо ёзувчи.

Демак, ўша саёқ бола бой хонадондан тополмаган нарсаларини кўча-кўйда ўзига ўхшаган болалардан, катталардан топган экан-да. Хулоса ўрнида нима дейишим мумкин? Ёш авлоднинг иймонли, инсофи, билимли бўлиб ўсишида мактабнинг ҳам, маҳалланинг ҳам, ота-онанинг ҳам ўз ўрни бор. Улар муштни бир жойга уришса, бир-бирдан айб қидириш ўрнига қўлни-қўлга берса, натижада ҳамма ютади.

Бобомурод ТОШЕВ.

Маърифат дарси

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармасининг мажлислар залида ўтказилган навбатдаги маърифат дарси долзарб масалаларга бағишланди. Машгулотда Ўзбекистон телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари муҳока-масига бағишланган йиғилиш ҳақида ба-

тафсил гапирди. Шунингдек, Қ. Каримбеков "Қамолот" ёшлар ҳаракатининг тузилиши борасида ҳам кенг тўхталди. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасида олиб борилаётган ҳаракатларда ҳар бир фуқаронинг Конституцияни яхши ўрганиши талаб этилади. Сиёсий шарҳловчи бу ҳақда ҳам мазмунли фикрлар билдирди.

Машгулот иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олдилар.

Қайом КАРИМОВ.

4 март — ИИВ Қоровул қўшинлари ташкил топган кун У ҲАМОН САФДА

Хисобчи, катта сержант Н. Бекирова ўз тажрибаси ва билими билан кўплаб ёш молиячиларнинг мутахассис бўлиб етишишига ёрдам берди. У ҳамкасбларига нафақат касб сирлари, балки ўрни келганда оилавий муносабатлар, муаммолар бўйича ҳам маслаҳатлар берган.

Нина Александровна ёшлигидан ўз олдига мақсад қўйиш ва унга интилишга одатланган. Ҳамиша ҳар соҳада чуқур билим олишга ҳаракат қилди. Натижада меҳнати мевасини ҳам тотди. Хисобчи сифатида у юксак профессионализмга эришди. Мана, йигирма йилки, унинг ҳаёти армия билан чамбарчас боғланган. Ўтган йиллар мобайнида бу сезгир, қатъий, меҳрибон аёл кўп савобли ишлар қилишга улгурди. Унга ёрдам, маслаҳат сўраб мурожаат қилган киши ўз ёғида ўзи қоврилиб қолмаслигини биларди. Орадан йиллар ўтди. Шу кунларда уни учратган шо-гирдлари ҳам ўз мураббийларига вақтнинг ҳукми ўтмаганига ҳайрон қолишади. Нина Александровна ҳамон ўша-ўша: жамоа учун куйди-пишди, турли тадбирларга бош-қош. Ўтган йиллар унинг феълони қайради, ҳаёт йўлини тўғри танлаганига ишон-чини мустаҳкамлади, холос.

В. САВИЧ,
лейтенант.

“ЦЕЗАР”НИ ТАНЛАДИМ

— Ватанга хизмат қилишдек шарафли ва масъулиятли ва-зифани зиммамга олиб, Қоро-вул қўшинлари ҳарбий жамо-асига қарашли ўқув маркази-га келдим. Телевидение орка-ли “Ватанимга хизмат қила-ман”, “Марду майдон” кўрса-тувларини томоша қилиб, хиз-матга бўлган қизиқишим орт-ганди. Мана, ниятимга ҳам ет-дим — аскар бўлдим. Хизматга келганимдан ва айнан Қоровул қўшинларида хизмат қилаёт-ганлигимдан жуда хурсандман, — дейди хоразмлик Мақсуд Шомуродов. — Бир ой давоми-да сафда юриш, қурол билан ишлаш ва бошқа бир қанча ҳарбий машғулотларда қат-нашдим. Сўнг кимнидир сержантликка, яна кимнидир уч ойлик алоқачилик ўқишига гуруҳ-гуруҳ қилиб хоҳишлари-га қараб олиб кета бошлашди. Қайси бир соҳани танласам экан деб ўйлаиб қолдим. Қа-

расам, кинологлар гуруҳи ҳам бор экан. Уй ҳайвонлари ичи-да итни жуда яхши кўрардим. Сардоримиз Икром Қулжонов бунга қарши чиқмади.

Тез орада оддий аскар Мақ-суд Шомуродов итни машқлар бажаришга ўргатиш ўз-ўзидан бўлмаслигини, бу анча-мунча масъулиятни, кунтни, тер тўкишни талаб қилишини ан-глади. 21 та овчарка итдан “Це-зарь” унга биркитилди. Бу ит мазкур жамоада саккиз йилдан буён хизмат қилиб келмоқда. “Цезарь, эмалка”, “Цезарь, бе-гона”, “Цезарь, бос!” Бу коман-далар итга ёд бўлиб кетган. “Хилда”, “Найда” унинг хизмат-дошлари. “Цезарь” билан “тил-лаша олган” Мақсуд ўзига қўриқлаш ишониб топширил-ган иншоотларни назоратдан ўтказди. Ит эса унга кўмак-дош.

Холмурод САЛИМОВ.

1 март — Бутунжаҳон фуқаро муҳофазаси куни

ХАЛҚ ХИЗМАТИДАМИЗ

Одамзод бугунги кунда қанчалик фан ва техника тараққиётининг мисли кўрил-маган чўққиларини забт этиб, табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилса-да, у ҳар бир қадамини ўйлаб босма-са келажагимиз жиддий хавф остида қолиши мумкин. Биз ҳар кун иер юзининг турли бурчакларида содир бўлаёт-ган фавкулдда вазиятлар-нинг гувоҳи бўлиб келмоқда-миз. Зилзилалар, сув тошқин-лари, тўфонлар, инсоннинг эҳтиётсизлиги, баъзан ваҳ-шийлиги оқибатида юз бе-раётган фалокатлар шулар жумласидандир.

Хиндистонда яқинда юз берган зилзилалар яна бир бор инсониятнинг табиат ол-дида ожизлигини эслатди. Ана шундай вазиятларда одамларга фуқаро муҳофа-заси хизмати ходимлари би-ринчилардан бўлиб ёрдамга шошилишади.

Ўзбекистон Республикаси Фавкулдда вазиятлар вазир-лиги Тошкент шаҳар бошқар-маси фаолият кўрсата бош-лаганлигига 4 март куни 5 йил бўлади. Шу давр мобай-нида бошқарма пойтахтимиз-да фавкулдда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг таҳ-дидини бартараф этиш, фу-қаро муҳофазаси тизимини такомиллаштириш ва кучай-тириш, аҳолининг турли таба-қаларини фавкулдда вазият-ларда ҳаракат қилишга ўрга-тишга қаратилган кўплаб иш-ларни амалга оширди.

Биринчи жиддий синов бўлган 1999 йил 16 февраль воқеалари чоғида фавкулд-да вазиятлар бошқармаси хавфсизлигини таъминлаш ти-зимини ўзининг муносиб ўрнига эга эканлигини, вақти келганда халқни, Ватанни

ҳимоя қилишдек муқаддас бурчини уддалай олишини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Фавкулдда вазиятлар вазир-лиги тизимида бошқарма-миз биринчи бўлиб ҳўжалик ҳис-са-бидаги фаолиятини ташкил этди. Бугунги кунда қутқарув хизмати моддий-техник неги-зини кучайтиришга, қутқарув асбоб воситаларини такомил-лаштиришга, пойтахт хавф-сизлигини таъминлашга бош-қа қўшимча имкониятлардан самарали фойдаланганлиги натижасида эришилди. Бошқ-арма қошида ташкил этилган кичик босмаҳонада Тошкент шаҳар фуқаро муҳофазаси ти-зимини жуда катта эҳтиёж-лар инobatга олинган ҳолда кўргазмалар плакатлар, ўқув дарсликлари, услубий қўллан-малар ва эслатмалар, стенд-лар тайёрланиб, Тошкент ша-ҳар халқ ҳўжалиги корхонала-рида ташкил этилаётган фуқа-ро муҳофазаси бурчаклари ва синфлари таъминланмоқда. Вилоятлардаги олий ўқув юр-тлари, мактаблар, халқ ҳўжа-лиги корхоналаридан ҳам босмаҳонамизга буюртмалар тушяпти. Даромад сифатида жамланган маблағлар Тош-кент шаҳар фуқаро муҳофаза-си ва хавфсизлик тизимини такомиллаштиришга, қутқарув хизмати моддий-техник база-сини кучайтиришга сарф қилинмоқда.

1996 йилда Тошкент шаҳар фуқаро муҳофазаси тизими-да 1500 нафар раҳбарлар ва 2000 нафар иш билан банд бўлмаган аҳоли фавкулдда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш бўйича тайёргарликдан ўтган бўлса, 2000 йил давомида 6768 нафар раҳбар ва 12 мингдан зиёд иш билан банд

бўлмаган аҳоли бу борада тайёргарликдан ўтказилди.

Тошкент шаҳар фавкулд-да вазиятлар бошқармаси та-шаббуси ва шаҳар ҳокимли-гининг беминнат ёрдами би-лан пойтахтда Ўрта Осиёда биринчи бор ривожланган фарб мамлакатларининг 911 ва 112 хизматлари намунаси-да “Қутқариш хизмати” таш-кил этилди. Ушбу хизмат Ўзбекистон Республикаси Фавкулдда вазиятлар вазир-лиги ёрдами билан дунёда-ги энг ривожланган мамла-катларниқидан қолишмайди-ган барча зарурий махсус асбоб-ускуналар, қутқариш воситалари ҳамда фалокатда қутқариш махсус автоуловла-ри билан таъминланди.

Ушбу хизмат бугунги кун-да 4000 дан зиёд маротаба одамларга ёрдам кўрсатиб, юзлаб инсонларнинг қурбон бўлишидан, 500 млн. сўмлик-дан зиёд халқимизнинг бой-лигини нобуд бўлишидан ас-раб қолишди. Ёрдамга муҳтож пойтахтликлар, ва меҳмонла-римиз “050” телефон рақам-лари орқали истаган вақтла-рида бепул равишда мурожа-ат қилиб, керакли маслаҳат ёки амалий ёрдам олишлари мумкин. Қутқариш хизмати-нинг навбатчилиги узлуксиз ташкил этилган ва аҳолига те-кин хизмат кўрсатади.

2000 йилда қутқариш хи-змат сафига гаввос-қутқарув-чиларнинг қўшилгани пойтахт фуқаро муҳофазаси тизими-нинг янада кучайишига олиб келди. Бошқарма сувларда қутқариш жамияти гаввосла-рини ва жамиятнинг моддий-техник базасини ўз оталиги-га олиши самараси ўлароқ 2000 йилда 1999 йилга нис-батан Тошкент шаҳар сув хав-заларида чўкиб ҳалок бўлган

инсонларнинг сони 30 фоиз-га камайди.

Бугун кўп мамлакатларда Ўзбекистон Республикаси-нинг қутқарувчиларини тани-шади. Булар ичида Америка Қўшма Штатлари, Германия, Бельгия, Голландия, Фран-ция, Япония, Туркия давлат-лари бор.

Туркия билан ҳамкорлиги-миз тўғрисида алоҳида тўхта-либ ўтиш лозимдир. 1999 йилнинг куз фаслида Измир шаҳрини вайронага айлан-тирган зилзила турк халқи-нинг абадий хотирасида. Ўша оғир кунларда улар билан ёнма-ён туриб ҳам чеккан, одамларни вайроналар ости-дан қутқариб, уларнинг чексиз миннатдорчилигини олган ўзбек қутқарувчилари ораси-да пойтахтимиз фарзандлари ҳам бор эди.

Фуқаро муҳофазаси тизи-мида меҳнат қилаётган барча ватандошларимизни Халқаро фуқаро муҳофазаси куни би-лан табриклар эканмиз, ал-батта, шу тизимнинг суянчиги бўлган жамоатчиларни ҳам унутмаслигимиз керак. 2001 йил январь ойида Тошкент шаҳар фавкулдда вазиятлар бошқармаси қошида жамоат-чилик асосида 100 нафар спорт фахрийларидан иборат кўнгилли қутқарувчилар жа-мияти ташкил этилди. Улар ичида Ўзбекистон фахри ва гурури, бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рискиев, Европа ва Осиё чемпионлари бор. Машҳур спортчиларнинг кўнгилли қутқарувчилик ҳара-катини жадаллаштириш, уни кенг омма орасида тарғиб қилиш ва янада кучайтириш борасида олиб бораётган са-вобли меҳнатлари ўзининг самарасини бермоқда. Кўнгилли қутқарувчилар сафи кенгаймоқда.

Эргаш ИКРОМОВ,
Тошкент шаҳар фавкулдда
вазирлар бошқармаси
бошлиғи, полковник.

УЛАРНИ НЕГА ХАЛОСКОР ДЕЙМИЗ...

Бугунги кунда ФВВда уч асосий бош-қарма фаолият кўрсатади. Ташкилий-тез-кор бошқарма вазирлиқнинг барча бўлин-малари ишини режалаштиради. Аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш билан шуғул-ланувчи бошқармага фавкулдда вазият-ларнинг олдини олиш, одамларни бундай ҳолатлар юз берганда тўғри ҳаракат қилиш-га олдиндан ўргатиш вазифалари юклатил-ган. Ва ниҳоят авария-қутқарув кучлари бошқармаси. Айнан шу хизмат йигитлари фавкулдда вазиятлар оқибатларини туга-тиш билан шуғулланадилар.

Авария-қутқарув кучлари бошқармаси бошлиғи Темур Саъдуллаевич Азимов шун-дай ҳикоя қилади:

— Фавкулдда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда биз, дейиш мумкинки, доимо ички ишлар ходимлари билан ҳам-

Давлатимиз раҳбарининг Фармонлари билан Ўзбекистон Республикаси Фавкулдда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганига 4 мартда беш йил тўлади. Нисбатан қисқа вақт ичида бу тизим ходимлари ўзларининг машаққатли соҳалари бўйича уста мутахассис эканликларини намойён эта олдилар. Улар одатда табиий офатлар жунбушга келганда, йирик ёнгинлар содир бўлганда, бошқа фалокатлар чоғида биринчи бўлиб ёрдамга шошилидилар.

корлик қиламиз. Масалан, ҳар қишда қор кўчкиси бўлиб турадиган Қамчиқ дово-ни-да қутқарувчиларимиз ва ДАН ходимлари биргаликда ҳаракат қилишга ҳар дақиқада тайёр. 1999 йил ноябрида юз берган фожиа жабр кўрганларнинг ҳам, ёрдамга шошил-ганларнинг ҳам ёдида бўлса керак. Ўшанда бу ҳамкорлик жуда қўл келган эди.

Бундан уч йил аввал ФВВда кризисли вазиятларни бошқариш маркази тузилган. Унинг асосий вазифаси фавкулдда вазиятларда барча вазирликлар ва идоралар билан тезкор алоқани ва ҳаракатлар муво-фиқлигини таъмин-лаш.



Энди бизда хизмат қилаётган йигитлар ҳақида икки оғиз га-пирсам. Беш йил даво-мида бошқарма-миз хо-димлари сони тўрт ба-робарга ошди. Улар орасида оддий хизмат-чилар ҳам, муддатли ҳарбий хизматчилар ҳам, шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳар-бийлар ҳам бор. Бундан ташқари, Тошкентда

республика қидирув-қутқарув маркази таш-кил этилган, пойтахтда ва Чирчиқ шаҳри-да ҳарбийлаштирилган қидирув-қутқарув бўлинмалари фаолият кўрсатяпти.

Қутқарувчиларга десант, тоғ тайёргар-лиги, тиббий тайёргарлик, парашютда сак-раш кабилар ўргатилади. Яқинда гаввослар мактабини ҳам очдик. 1998 йилдан ки-но-логия хизмати йўлга қўйилди. Бунда бизга Тошкент шаҳар ИИББ кинологлари катта ёрдам беришди. Ҳар йили қутқарувчилари-миз ички ишлар ходимлари билан бирга тактик машғулотлар ўтказадилар.

Милиция ходимлари билан елкама-елка туриб кўп бора мураккаб вазифаларни ба-жарганмиз. 1998 йил июли. Кучли селдан кўплаб шохимардонликлар бошланасиз қолишган эди. Ўшанда жамоат тартибини сақлаш хизмати ходимлари ва кинологлар биз билан бирга офатга қарши курашишди.

2000 йил июли. Кўкдумалоқ газ қонида йирик ёнгин юз берди. Қутқарувчиларимиз ИИБ ЁСБ ходимлари билан бир сафда ҳара-кат қилишди.

Альпинистларимиз Тошкент ва Сурхон-дарё вилоятларининг тоғли ҳудудларида жангариларга қарши тадбирларда фал-оқатнашишди. Ўшанда Ички ишлар вазири ходимларимизга миннатдорчилик билдир-ган эди.



Одатдаги кунлар ҳам ёрдам сўраб қили-надиган мурожаатлардан холи бўлмайди, албатта. Бундан ташқари, мунтазам ўқув машғулотлари ўтказиб тура-миз.

ТАҲРИРИЯТДАН: ФВВнинг барча хо-димларини касб байрамлари билан самимий табриклаймиз. Уларга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, хизматларида муваффақиятлар тилаймиз. Турли офатлар, фалокатлар юр-тимиздан, сайёрамиздан нари бўлсин, кўпроқ маҳоратингизни ўқув машғулотларида на-моён этишингизга тўғри келсин!

Tabassum

Ўсина газетасининг иловаси

HAFTALIK

+TV

DASTURLAR



Юртдошларимиз орасида шундай инсонлар борки, улар камтар, камсукум ҳаёт кечирадилар. Лекин фақат мамлакатимизда эмас, чет элларда ҳам бу инсонни минглаб одамлар танийди, ҳурмат қилади. Ўз меҳнати, иқтидори билан кўпга танилган, минглаб мухлислар орттирган, ўзбегимнинг ана шундай буюк инсонларидан бири — Халқ артисти, давлат мукофотлари совриндори Зикир Муҳаммаджонов кутлуг 80 ёшга кирди.

Муборақ айём арафасида сеvimли актёр билан суҳбатда бўлиб, у кишининг ҳаёт “сахна”сидан бир “кўриниш”ни сиз азишларга ҳавола этмоқдамиз.

САНЪАТИМИЗ ДАРҒАСИ

— Зикир ака, ёдингизда бўлса, сиз Рига шаҳрида биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов қиёфасида юриб, қаршингиздан келатган полковник ва майорга “честь” берган экансиз. Сиз бунни беихтиёр қилганмисиз, ё?

— Ҳа, ёдимда. Ўшанда, бундан 35 йил муқаддам Латвия пойтахтида биз “Генерал Раҳимов” фильмини суратга олаётган эдик. “Кадр” орасида мен ярим соатча бекор қолдим. Шу боис кийимимни алмаштирмасдан фильм суратга олинаётган майдондан нарироқда атрофни томоша қилиб юрсам, қаршимдан икки ҳарбий келяпти. Обдон машқ қилган эмасманми, ўзимнинг “ким”-лигим ёдимда йўқ, мен аввал “честь” бериб юборибман. Қаршимдагилар, унвон жиҳатдан мендан “кичик” ҳарбийларнинг саросимага тушганини кўрсангиз. Йўқ, кейин менинг аслида киноактёр эканлигимни эшитиб, кулишиб, муваффақият тилаб кетгандилар.

— Энди анъанавий саволларга ўтсак. Нима учун

кўпроқ ижобий образлар яратасиз?

— Образ яратишда, ролларни тақсимловчи режиссёрларимиз актёрларнинг феъл-атвори, юриш-туришига қараб, шунга монанд образларни беришга ҳаракат қилишадим. Лекин гап образнинг ижобий ёки салбийлигида эмас, гап ролни маромига етказиб ижро эта олишда. Мен яратган қахрамонларим орасида биринчи ўзбек генерали С. Раҳимов, ўзбек сахнасида биринчи Амир Темур, кўп қисмли телевизион спектаклда Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Зокиржон Фуркат образлари бор.

— Кунини кеча Ички ишлар вазирлигида бўлиб ўтган Навоийхонлик кечасида Алишер Навоий қиёфасида сахнага чиқдингиз. Сиз Навоий бобомиз тилидан монолог ўқиганингизда залда ўтирган ички ишлар ходимларининг кўпчилиги кўзида ёш кўрдим.

Айтинг-чи, ҳар бир ролни қиёмнига етказиб ўйнаш билан бирга ўша образ тилидан янглишмай нутқ ижро этиш қийин эмасми?

— Кийин, албатта. Лекин ўз касб-ҳунарини севган одам бу йўлда унча-мунча қийинчиликни енга олиши керак. Бундан ташқари, санъаткор доимо машқ қилиши, кувваи ҳофизасини қайраб, иқтидорини чархлаб бориши — ўз устида мунтазам, кунт билан ишлаши зарур. Театр, киноларда 250 дан ортиқ ранг-баранг, бири иккинчисига ўхшамайдиган образлар яратдим. Улар каттами, кичикми, ҳаммаси мен учун ардоқли. Уларга менинг меҳнатим, ҳаётимнинг бир бўлаги сарфланган. Чунки мен ролни ёдлашдан ташқари унинг ички дунёсига, образига жонимни бериб кираман. Бўлмаса у қалбаки бўлиб чиқади ва томошабин олдида актёрнинг обрўси тўкилади. Масалан, мен театрда Амир Темур, Алишер Навоий,



бобо ва қирқ қароқчи”да Али бобонинг отаси Юсуф, “Севги афсонаси”да ҳинд қахрамони Иброҳим каби ролларингизни яхши биламиз. Ижодингизда ички ишлар ходими образи ҳам борми?

— Албатта. Талантли драматург ва ёзувчи Ўлмас Умарбеков қаламига мансуб “Кузнинг биринчи кунини” спектаклида милиция капитани Султонов образини яратганман. Ўйлайманки, “Султонов” ҳам кўплаб қахрамонларим

каби халқимиз юрагига яқин шахс бўлганки, бу спектакль ўйнаган кун театр залида бўш жой қолмас эди.

— Яна анъанавий савол: санъатга қачон, қандай кириб келгансиз, устозларингиз кимлар эди?

— Ходим хизмат тайёргарлиги билан шуғулланмас экан, замон талабларидан орқада қолади. Ўзингиз ўйланг, янги чиққан қонунларни, ўз соҳасига оид сўнгги буйруқларни, кўрсатмаларни билмаган киши қандай қилиб самарали фаолият кўрсатиши мумкин? Бу касб маҳоратини, билим савиясини оширишнинг кали-

**Суҳбатдош
Бобомурод ТОШЕВ.**

Тошкент шаҳар жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш Концепциясида ёшларнинг маърифий ва маънавий баркамоллиги асосий ўрин тутди. Зеро, дунёда рўй бераётган воқеа-ходисаларга мустақил муносабатда бўладиган, мустаҳкам этикодли, баркамол ёшларни тарбиялаб, вояга етказиш давримизнинг бугунги кундаги энг долзарб вазифаларидан биридир. Шу туфайли ҳам ҳозирда фарзандларимиз қалбига миллий ғоя, миллий мафқуранинг сингдириш мустақил юртимизнинг ҳар бир онгли фуқаросининг бурчига айланган. Бу борада ички ишлар идоралари ШТБИ хизмати ходимларининг саъй-ҳаракатлари боис жойлардаги осойишталик посбонларининг бурча бўлган садоқатлари, маънавий ва касбий даражалари тобора баркамоллашмоқда.

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси хизматларига тест синовлари асосида номзодларни ишга қабул қилиш жорий этилганлиги ҳам ана шу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларнинг манتيкий давомидир.

Мазкур тест тўғрисидаги Низомда белгиланганидек, маҳалла қўмиталари томонидан юборилган номзодлар биринчи навбатда жойлардаги ички ишлар идоралари раҳбарларининг суҳбатидан ўтгандан сўнг, ўзи яшаб турган жойдаги тиббий поликлиникадан нарколог ва руҳшунос шифокорлар кўригидан ўтганлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома билан Тошкент шаҳар ИИББда ўтказиладиган кўрик-танловда қатнашади ва улар буйруқ талаблари асосида танлаб олинади.

— Саралаб олинган номзодлар жисмоний тайёргарлик бўйича синовдан ўтадилар. Жисмонан соғлом, деб топилганларгина тест синовларида қатнашишлари руҳсат этилади, — дейди Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси Шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг касбий ва жисмоний тайёргарлик бўлими бошлиғи, милиция майори Муроджон Эсонов, — тест синовлари ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Тест синовлари ўзбек тили ва адабиёти ёки рус тили ва

ТЕСТ СИНОВЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

адабиёти, ҳуқуқ ва тарих фанлари мажмуаси билан белгиланади.

Мажмуанинг ҳар бир фани 36 топшириқни ўз ичига олади. Тест топшириқлари ўрта умумтаълим мактаблари ўқув дастурларига мувофиқ тузилади. Тест синовларида 108 та савол киритилиб, тайёрланиш учун 3 соат вақт белгиланади.

Умумтаълим фанлари бўйича тест синовларини ўтказилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан вакил ва мутахассислар жалб этилади.

— Ишга қабул қилишда қандай имтиёзлар белгиланган?

— Ҳозирги вақтда ички ишлар идораларида виждонан хизмат қилаётган, иш кўрсаткичлари юқори бўлган ходимларнинг ҳамда ички ишлар идораларида 25 йилдан ортиқ хизмат қилган, яшаётган маҳаллаларида обрў-этиборга эга ва жамоат ишларида фаол иштирок этаётган фахрийларнинг фарзандларига кириш тест синовларида тўплаган балларига мумкин бўлган энг юқори баллнинг 5 фоиз қўшилади.

Хизмат вазифаларини бажариш вақтида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг фарзандларига, “Спорт устаси” унвонига ва спорт разрядларига эга бўлган номзодларга тест синовларида тўплаган балларига тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 10 фоизи қўшилади.

Ички ишлар идоралари хизматига номзодлар орасидан тест синовлари натижаларига кўра тўплаган балларнинг рейтинг тизими бўйича энг юқори балл тўплаган, шифокорлар ҳулосасига кўра соғлом, жисмоний тайёргарлик синовларидан ўтган номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг амалдаги буйруқ талаблари асосида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади. Шахсий ҳужжатлар йиғма жилдлари тайёр бўлган номзодлар ИИББ раҳбарларининг буйруғи билан ИИББ Ўқув марказига бошланғич тайёргарликдан ўтиш учун ўқишга юборилади.

Шуҳрат ИКРОМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
матбуот маркази ходими.

Ҳуқуқ-тартибот посбонлигида

Хоразмнинг жанубий сарҳадлари Питнак ҳудудларидан бошланади. Питнак азиз инсонлар ўтган жой. Бу ерда умрини эл ишига бахшида қилган инсонлар жуда кўп. Улар саҳий, меҳнаткаш, фидойи.



ПИТНАКДА ИШ ҚИЗҒИН

идоралари ходимларидан бир нечасини отиб ўлдиришди. Уларнинг биттаси қўлга олинди. Ҳақиқат ҳаммаша қарор топади, деганларидек ваҳшийларнинг ўзлари ҳам ит ўлимини топишди.

Шу воқеалардан кейин вилоятнинг чекка ҳудуди Питнакда осойишталикни мустаҳкамлаш учун тажрибали ходим, милиция подполковниги Ганжа Тожиевни Питнак шаҳар ички ишлар бўлимига бошлиқ қилиб тайинлашди.

Ганжа ака ишни, аввало, шахсий таркибнинг ҳола-аҳволдан, хабар олишдан бошлади. Бирма-бир ходимларнинг уйига кириб чиқди. Яшаш шароити, турмуш тарзи, кимлар билан алоқада

бўлиши, маҳалладаги ўрни-гача билди.

Бунинг ўзига яраша сабаби бор. Бугунги кунда ички ишлар ходимларининг иши ҳар қачонгидан масъулиятли. Ҳам оғир, ҳам шарафли касб. Шундай экан, шахсий таркиб

Участка вакилларининг иш шароити ҳам яхшиланди. Хоналар таъмирланди. Улардан давлат рамзлари, ИИБ буйруқлари ўрин олди.

Бўлимдаги мавжуд техника воситалари таъмирдан чиқарилди. Имкон даражасида янгилари сотиб олинди. Бу борада вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбариятининг ёрдами катта бўлди. Ганжа акани шу ишлар билан чегараланиб қолди, десак хато қиламиз. У ташаббускор, тиниб-тинчимайдиган инсон. Питнак бир пайтлар саноат ва нурчилар шаҳри эди. Шу муносабат билан кўпгина саноат объектлари билан маданий-маиший бинолар ҳам қурилган. Шаҳардаги спорт мажмуаси мана бир неча йилларки фаолият кўрсатмаётган эди. Унда спорт билан деярли шуғулланилмасди. Устига-устак халқнинг миллион-миллион маблагли ҳисобига бунёд этилган ушбу бинонинг қимматбаҳо анжомларини ташиб кетувчилар ҳам топилди. Ганжа ака бу ишга кўз юмиб қараб туролмади. Саъй-ҳаракатлар туфайли спорт мажмуаси яна ёшларнинг сеvimли масканига айланди. Ҳазорасп тумани ҳокимининг қарорига биноан маж-

ҳар доим ҳукумат ва вазирилик томонидан берилган топшириқларни бажаришга ҳаммаша тайёр туриши лозим. Агар оиласида тинчи бўлмаса унинг хизматида самара сезилмайди. Агар ахлоқан пок бўлмаса, у ҳеч қачон бошқаларга сабоқ беролмайди, уларни ортидан эргаштира билмайди. Ганжа ака шахсий таркибдан ҳар доим ана шу хислатларни талаб қилади.

У бўлимга бошлиқ бўлиб келганида маъмурий бино аянчли аҳволда эди. Ҳашар йўли билан бино қайтадан таъмирланди. Ходимлар илгари овқатланиш учун шаҳарнинг турли тарафига боришарди. Бошлиқнинг ташаббуси билан мўъжазгина ошхона қурилди.

муа Питнак шаҳар милиция бўлими йхтиёрига берилди.

— Яқин кунлар ичида бу ерда спортнинг 10–12 тури бўйича доимий гуруҳлар иш бошлайди. Кураш, каратэ, таэквондо, бокс, гимнастика, волейбол, футбол, гандболчилар шуғулланиши учун барча шароитлар яратилади. Сузиш ҳавзаси Ўзбекистондаги мавжуд уч катта ҳавзанинг биттаси ҳисобланади. Уни ҳам таъмирдан чиқарсак сузиш билан шуғулланувчиларга имкон яратилади, — дейди биз билан суҳбатда Ганжа ака.

Питнакда иш қизғин: Спорт мажмуаси халқимизнинг энг қадимий ва азиз байрами бўлмиш Наврўз арафасида топширилиши учун барча ҳаракат қилмоқда. Ганжа ака ана шу савобли ишга бошқош.

Милиция подполковниги Ганжа Тожиев 50 ёшга тўлди. Кўз тегмасин, ҳали ёш йигитлардай ғайрати жўшган. Биз юрт учун ҳаммаша хизматга тайёр бундай посбонларнинг борлигидан ҳар доим қувонамиз.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

Суратда: милиция подполковниги Ганжа Тожиев.

Миннатдорчилик

ҲАҚЛАРИГА ДУО ҚИЛАМАН

Одамнинг ботида ҳар хил кун бўлар экан. Фалокат оёк остида қичиб, 10–ёшли қизим уйимиз яқинидан ўтувчи тез оқар анҳорга тушиб кетибди. Туш пайти хотиним ишхонамга кўнғирок қилганида бошимдан кайноқ сув қуйиб юбориш-гандай бўлди. Амаллаб ўзимни қўлга олиб Тошкент шаҳар факултетада вазиятлар бошқармасига бордим. Бошқарма бошлиғи Эргаш ака Икромов дарҳол Қурбон Рабданов бошчилигидаги гаввосларни бизникига жўнатди.

Валерий Краснов, Аслиддин Хусейнов ва Завен Яроляндлар ҳавонинг совуқлигига, сувнинг тез оқибига қарамай соғлигини, ҳаётини хавф остига қўйиб ўз вазифасини бажаришга киришилди.

Топилгунча ичимдан нима ўтганини ўзим биламан, худо билади. Тўғриси, болагинамнинг мурдаси бўлса ҳам тезроқ топила эди, дийдоргинасига сўнг бор тўйиб қолсам эди деб сўрардим Оллоҳдан. Улар галма-гал муздек сувга тушиб қизганимни топишди.

Қўргулик экан, топилмаганда, қаерга бориб йиғлашди билмаганимда нима қилардим деб ўз-ўзимга таскин бераман. Ҳар гал қизимнинг қабрини эиёрат қилганимда ўша гаввослар ҳақиқига ҳам дуо қиламан. Бугун касб байрамлари экан, сеvimли газетам “Постда” орқали уларга миннатдорчилигимни, етказишларингизни илтимос қилиб сўрайман.

Ҳасан АБДУҚАЮМОВ,
Тошкент шаҳри.

ТАЖРИБАЛАР АЛМАШИЛДИ

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов бошқармаси бошлиғи милиция полковниги А. Шарафутдинов бошчилигида Навоий, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ички ишлар идоралари тергов тизимида 2000 йил иш якунлари бўйича ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ўтган йилги тергов фаолиятига яқун ясаиб, 2001 йилда амалга оширилиши лозим бўлган янги вазифалар режалаштириб олинди.

— Уч вилоят терговчилари иштирок этган бу сайёр йиғилишдан асосий мақсад, қўшни вилоятлар ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш, — дейди биз билан сўхбатда Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Х. Пардаев. — Шунингдек, вилоятларда қўлланиладиган янги иш тажрибалари билан ўртоқлашиш эди.

Йиғилиш самимий руҳда, қизғин мунозараларга бой бўлди.


Меҳри АБДУРАХИМОВА,
милиция лейтенанти.

ОҒУНИНГ ФОЖИАЛИ ОҶАНРАБОСИ

Гиёҳвандликка мубтало бўлган киши ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайди. Чунки бу оғу кишини инсоний туйғулардан айиради, фалокатга етаклайди. Жиззах шаҳрида яшовчи Ҳаёт Маматқуловнинг фожиали ўлимига ана шу ажал уруғи сабаб бўлди, аниқроғи у гиёҳфурушлар томонидан ваҳшийларча ўлдирилди.

Ўтган йили 17 декабрь кунин Ҳаёт “Тико” русумли давлат белгиси 13 С 30-80 бўлган, кўк рангли автомашинада кира қилиш учун кетиб уйига қайтиб келмади. Унинг бедарак йўқолганлиги тўғрисида шаҳар ички ишлар бўлимига хабар тушгач тезкор-қидирув ишлари бошлаб юборилди.

Олинган тезкор маълумотлар, таҳлил ва ҳулосалар бўйича деярли тинимсиз қидирув ишлари олиб борилди. Шу йилнинг 16 январь кунин жиноят-қидирув хизмати ходимлари гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиш, тарқатиш ва сотиш билан шугулланиб келган гиёҳфурушлар гуруҳини қўлга олдидлар. Ҳ. Олим сотиш учун ҳозирлаб қўйилган 92 г героин билан ушланди. Жиззах тумани “Янги Ҳаёт” жамоа ҳўжалиги ҳудудидаги тоғ ёнбағридан эркак кишининг жасади топилди. Текширишлар натижасида жасад Ҳаёт Маматқуловни-



ки эканлиги аниқланди. Шу орада Тошкент вилояти ИИБ ходимларининг ёрдамида йўқолган “Тико” автомашинаси Янгийўлда топилди. Суриштирув, текширувларда Ҳ. Олим ва унинг жиноий шериклари Ҳ. Улуғбек, У. Марат “Тико” автомашинасини эгаллаб олиш мақсадида, Ҳаётни ваҳшийларча ўлдирганликлари маълум бўлди. Машинани эса Янгийўл шаҳрида яшовчи Маъмура Шодибекова ва Толибжон Абдуғаниевларга 40 минг сўм пул ва 100 г героин эвазига “ҳалла” қилишади. Толибжон Абдуғаниев эса бир кечада кўк “Тико”ни оққа айлантдириб қўяди.

Абдуғаниевнинг уйдан 2 та ноқонуний сақланаётган ўқотар қурол ва бошқа далилий ашёлар олинди. Дала ҳовлисида эса Ҳаётнинг ўша фожиали кечада кийган чопони ва “Тико”дан ечиб олинган давлат белгиси топилди.

Б. БЕГИМҚУЛОВ.

Суд ҳукмидан сўнг

САБОҚ ЧИҚАРАЙЛИК

“Постда” газетасининг 2000 йил 6 июль сонидида чоп этилган “Ўзоқдаги куйрукдан яқиндаги ўпка яши” мақоласида шахрисабзлик Абдуқаҳҳорнинг қилмишлари ҳақида ҳикоя қилинган эди. Орадан ўтган фурсат ичида унинг қандай фирибгарликлар билан шугуллангани, қанча ишонувчан юртдошларимизни лақиллатгани аниқланди. Бунда тергов жараёни олиб борган Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси терговчиси, милиция подполковниги Р. Валижоновнинг хизматлари катта бўлди.

Яқинда Мирзо Улуғбек тумани жиноят ишлари бўйича суди ишни қўриб чиқди. 30 дан зиёд фирибгарлик ҳолати содир этиб, фуқароларнинг жами 30.000 АҚШ долларида зиёд пулини ўзлаштирган фирибгар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари ва бандларига мувофиқ 15 йилга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, унинг мол-мулки давлат ҳисобига мусодара қилинадиган бўлди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг ўта ишонувчанлиги, ўзгалар хатосидан тўғри сабоқ чиқармаслиги турли лўттибозларнинг тузоғига тушиб қолишларига сабаб бўляпти. Ўйлаймизки, юқоридагиларни ўқиган юртдошларимиз бундан буён ҳушёрроқ бўладилар.

Шуҳрат ИКРОМОВ.

Евгений ёлғизликдан қийналарди. Табиатан ювош, мулойим бўлган

Женя ишдан келгач, одатда ҳаёлга берилади. Йўқ, у ўтган умридан сира нолимайди, аммо ёши бир жойга бориб қолганда хотини Наташа уни ташлаб кетгани жуда алам қиларди. Ёшлигида Наташани деб Самарқандга кўчиб келган ва бу ерда хотинидан бошқа ҳеч бир қариндоши йўқ эди. Энди эса суянадиган на дўсти, на оғайниси бор. Яхшиямки севган иши билан андармон. Кун кеч бўлгунча аэропортдан чиқмайди. Ҳамкасблари уни қўли гул уста дея, ҳурмат қилишади. Топиш-тутиши ёмон эмас, тўрт хонали уйини яхшилаб безаб қўйган. Хотини Наташа нега кетиб қолганини билмайди. Бир кунда кўч-кўронини йиғиб Россияга кетди-қолди.

Шундан кейин Женя ичкиликка берилиб қолди. У бунинг сезса-да, бу касофатдан қутулиш чорасини кўрмасди. Ахир янги танишлари билан базму-жамшид қилишнинг ўз гашти бор. Шундай ўтиришларнинг бирида Женя Лена исмли аёл билан танишиб қолди. Шундан сўнг аёл унинг уйига тез-тез келиб турадиган бўлди. Тайёр жой, бунинг устига йигит зикна

эмас, ароқ ва газаклар ҳамиша тайёр эди.

Женя бир неча кунлаб ишга бормасдан, уйда ароқ ичадиган бўлди. Бунинг ўз вақтида сезган ҳамкасблари уни ёлғизлатиб қўйишмади. Яна иш билан овунтириб, ичкилик балосидан қутқаришди. Ҳаммаси жой-жойига тушгандек эди, бироқ...

Женя зерикиб, деразадан майдалаб ёғатган ёмғирни томоша қиларди. У умри поёни етаётгани ва бу ёмғир охиригиси эканлигини ҳаёлга ҳам келтирмас эди. Тўсатдан эшик кўнғироғи жиринглаши Женяни чўчитиб юборди. Кутилмаган меҳмон Лена бўлиб чиқди. Унинг кўнглини топиб, хурсанд қилиш лозим эди.

Лена эса бу сафар негадир мулойим эди. У Женяни силаб-сийпаб диванга ётқизди ва “қаҳва тайёрлаб келаман” деб ошхона томонга кетди. Хурсандлигидан боши осмонга етган Женя ширин орзулар оғушида сармаст ётарди. Лекин бошига тушган қаттиқ зарбадан ҳушини йўқотаёзди. Рўпарасида но-

Жиноятчиға жазо муқаррар

таниш икки барзанги йигитлардан бири қўлида темир арматура, иккинчиси эса бир бўлак гишт ушлаб туришарди. Улар Женядан пул талаб қила бошлашди. Лекин хонадон соҳиби

ҳамтовоғи эди. Женянинг уйдан учта гилам олгач, газандалар ўлжани тақсимлаш учун жуфтакни ростлашади. Аслида Лена, Саша ва Валера олдиндан Женянинг уйини тунаш учун режа тузишган ва шу асосда иш олиб боришган эди. Лена уйга киргач, ташқарида турган ҳамтовоқларига ошхона чирогини ёқиб-ўчириб ишора қилган ва уларни очик қолган эшик орқали уйга олиб кирган эди.

Женя бир ҳафтадан бери кўринмай қолгани маҳалла оқсоқолини ташвишга солиб қўйди. Қўшнилари ўзаро келишиб, милицияга мурожаат этишдан бошқа иложлари қолмади. Чунки Женянинг уйи берк эди. Самарқанд вилояти ИИБ ЖКБ ва Самарқанд шаҳар ИИБ 10-ШМБ ходимларидан ташкил топган тезкор-тергов гуруҳи аъзолари бир кунда жиноят изини топишга муваффақ бўлишди.

— Бу ваҳшийларни ҳам ачинарли қисмат кутиб тургандир, — деди биз билан сўхбатда Женянинг акаси Б. Чумаченко. — Яхшиямки милиция ходимлари бор. Жиноят жазосиз қолмаслигига ишонаман.

Меҳри АБДУРАХИМОВА,
милиция лейтенанти.

Хоразм вилояти ИИБ хабарлари

Урганч шаҳрида яшовчи Ш. ҳали ёшгина йигит. Шунга қарамай бир марта судланиб жазо олган. Бироқ у бундан тегишли ҳулоса чиқариб олмади. У яна нўпоқ йўл билан нон топиш илнжида қишлоқ хонадонларидан мол ўғирлашни режалаштирди. Урганч туманидаги Жалолиддин Мангуберди номли жамоа ҳўжалигида яшовчи Ш. Юсупованинг икки бош қорамолини ўғирлаб кетди. Аммо у бир нарсани, туман ички ишлар бўлими ходимларининг топқирлигини ҳисобга олмаганди. Изқуварлар жиноятчини қўлга туширдилар.

Қаҳрамон, тоғни урса талқон қиладиган йигитлардан. Фақат ўз куч-ғайратини қинғирликка ишлатди. У А. Баҳодирхон кўчасида яшовчи О. Юсуфбойнинг гаражи деворини тешиб ичкари кирди. Бироқ, тешикдан битта гилдирак олиб чиқолди, холос. Тезда шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари уни далилий ашё билан қўлга олдидлар.

Богот тумани Беруний кўчасида яшовчи Н. ва Ҳазорасп тумани “Дўстлик” жамоа ҳўжалигида яшовчи З. исмли шахслар ёнидан турли миқдорда героин гиёҳвандлик моддаси топилди. Гурлан шаҳар Бобур кўчасида яшовчи Н. исмли шахс эса героин сотиш билан шугулланаётганида жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

Хива шаҳрида яшовчи Ф. Хўжаев мўмай пул олиш илнжида тadbirkor Отабек Тиллаевнинг уйида йўқлигидан фойдаланиб унинг уйига киради ва хотини М. Ёкубовани кўрқитиб пул талаб қилади. Натижа чиқмагач, аёлни таёқ билан уриб жароҳат етказди. Қилган “қаҳрамон”лигидан саросимага тушиб Фарҳод уйига бориб ўзини осадди. Тасодифан онаси кўриб уни ўлимдан қутқариб қолади. Кейин ўзи ҳам, калтакланган аёл сингари касалхонага тушади.

М. АБДУЛЛАЕВ.

ШАМ ҒАМ КЕЛТИРДИ

01 хабар қилади

Ушбу ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 210 та ёнғин қайд этилди. Оқибатда мамлакатимиз аҳолисиға бир неча юз минг сўмликдан зиёд моддий зарар етказилди. 12 фуқаро куйиш тан жароҳати олган бўлсалар, 3 нафари қурбон бўлди.

22 февраль кунин тунда Самарқанд вилоятининг Самарқанд тумани Гулистон жамоа ҳўжалиги Хўжа Аҳрор қишлоғида жойлашган “Роҳат” номли қаҳвахонада ёнғин содир бўлди. Ўт ўчирувчилар етиб келганларида ёнғин 200 кв м майдонни ўз ичига олган, қўшни биноларга ўтиб кетиш хавфи ҳам бор эди. Кўрилган тезкор чоралар туфайли бунинг олди олинди, ёнғин тезда ўчирилди. Маълум бўлишича ушбу ёнғинга қаҳвахона хизматчиларининг иситиш мосламасини электр манбаига улаб, назоратсиз ташлаб кетиши сабаб бўлган экан.


Шу кунин Наманган вилояти, Уйчи туманида яшовчи Б. Қаюмовнинг хонадонида кўнғилсиз воқеа юз берди. Ҳали бир ёшга тўлмаган Мафтуна бешикда ётган эди. Онаси болам қоронғи хонада кўрқмасин деб ёнига шам ёқиб кетади. Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас шам эриб гилам устига оқади, бундан кўтарилган аланга бешикка ўтиб кетади, натижада қизчанинг 42 фоиз куйиш тан жароҳати олишига сабаб бўлади.

23 февраль кунин Фарғона вилоятининг Риштон тумани Қайрағоч қишлоғида яшовчи Матқобиловлар хонадонида боалар ҳовлида ўт ёқиб, оловга керосин сеппиб уйнашган. Натижада ўйин-ўйин билан боаларнинг кийим ва қўлларига сачраган керосин ёқилгиси алангага ниб, ҳар иккаласи юзи, елка қисми ва қўллари куйиб, касалхонага ётқизилди.

24 февраль кунин тунги соат 2 лар атрофида Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида яшовчи Ивановнинг хонадонида ёнғин содир бўлганлиги тўғрисида хабар тушган. Чақирилган жойга етиб борган ўт ўчирувчилар бошқа бир кўнғилсиз ҳодисанинг устидан чиқдилар. Хонада шифтнинг иситиш печи мўрасига яқин жойи куйган ва уй эгасининг ҳеч қандай куйиш жароҳатларисиз жасади бошқа хонадан топилган. Аниқланишича, мўри қандайдир сабабларга кўра жойидан сурилиб, шифтга қадалиб қолган ҳамда ундан чиқаётган ис газини хона ичига тарқалган. Уй эгаси ҳам айнан шу газдан димиқиб ҳалок бўлганлиги тахмин қилинмоқда.

Иситиш печи мўрасининг қаттиқ қизиб кетишидан шу кунин Андикон шаҳрининг Соҳил номли кўчасида ёнғин содир бўлган. Ёнғин Раҳмоновга қарашли уйдан бошланиб, томнинг 120 кв м га яқин майдони ёниб кетишига, ундан ўтиб қўшни хонадоннинг ҳам 20 кв м га яқин томи зарарланишига олиб келган.

Даврон ҚАМБАРОВ,
ички хизмат лейтенанти.



БИР ОИЛА ҚОТИЛИ

...Анвар билан Аблаз (исмлари ўзгартирилди) шу кишлоқда туғилиб бир-га вояга етишган. Бир синфда, бир партада ўтириб ўқиб, қадрдон дўст бўлишган. Ўрта мактабни битиришгач, Маҳмуд тракторчилик курси бўйича ўқиди, Анвар эса деҳқончилик билан шуғуллана бошлади. Орадан йиллар ўтди. Икки дўстнинг бир-бирига бўлган муносабати фақат яхши томонга ўзгариб борди.

Бундан икки-уч йил аввал Аблаз бошқараётган трактор жамоа хўжалиги ҳомонидан яроқсиз деб ҳисоблангач, у ишсиз қолди. Шунда у дўсти Анварга савдо-сотиқ билан шуғулланишни таклиф қилди.

— Савдо-сотиқни юргизиш учун кўп пул керак, — деди Анвар.

— Топамиз. Таниш-билишлардан фойдаси билан қайтаришга қарз оламиз. Икки дўстнинг мақсадлари амалга ошмади. Чунки бир-икки марта қарз эвазига қилган ишлари яхши натижа бермади.

Анварнинг хотини Сайёра Андижон вилоятининг кўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадаги “Дўстлик” божхона комплексида жойлашган пул алмаштириш шохобчасида ишлайдиган онасига кўмаклашар, ҳамқишлоқлари қўлидаги қирғиз пулини ўзбек сўмига алмаштириб берарди. Кўпинча Аблаз дўстиникига келганда Сайёра банкка топширишга улгурмай қолган пулларни эр-хотин санашаётганларини кўрарди.

Инсон бошқа мавжудотлардан ақл-идроки, меҳр-оқибати ва яна кўплаб ижобий фазилатлари билан фарқланади. Чунки, ҳаётда тинчлик, оқойишталикнинг сақланиши кўпроқ инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибатига боғлиқ. Лекин, орамизда шундай инсонлар ҳам борки, мол-дунё, бойликка эга бўлиш мақсадида ҳар қандай жирканч ишларни бажаришдан ҳам асло қайтмайди. Бундай кимсалар учун ака-ука, дўст-биродар мол-дунёдан кейин туради. Хўжабод туманидаги Ордай кишлоғида содир этилган қотиллик жинояти фикримизга мисол бўла олади.

Иши юришмай турган кунларнинг бирида бундай ҳолатни яна бир бор кўрган Аблазнинг нияти бузилди.

Ўша куни Сайёра кўп пул олиб келганди. Ҳар доимгидек кечки пайтда Аблаз мотоциклда дўстиникига келди. Бир оз ўтириб бир одамнинг юмушини бажараётганлигини, эвазига яхши пул тўламоқчи бўлаётганлигини гапирди. Уйига қайтган Аблазнинг алламаҳалгача уйқуси келмади. Сайёранинг пуллари-га қандай қилиб эга бўлсам, деган машъум фикр уйку бермасди.

Аблаз дўстининг уйига қандай бориш, пулларни қандай қўлга киритиш ҳақида ўйлаётган пайтда чироқ ўчиб қолди. Бу эса унинг мақсадини тезроқ амалга оширишга имкон берди. Тунги соат 01 да отасининг уйига келган Аблазни ҳеч ким билмади. У ўтин ёрадиган болтани кўйнига солди-да, янги ҳовлиларнинг бирида яшовчи дўстиникига борди. Бир-икки томоқ қириб, Анварни чақирди. Уйқусираб ташқарига чиққан дўсти Аблазга:

— Тинчликми? Нима гап?

— Сенинг олдинга кел-

ганимда мотоциклнинг калити тушиб қолибди. Қидирмаган жойим қолмади. Топишга ёрдам бер!

Анвар уй ичидан гугурт олиб чиққани кириб кетганда Аблаз кўча дарвоза олдида турарди.

Анвар гугурт ёқиб калитни излаётганида Аблаз кўйнидан болтани чиқарди-да, унинг бўйин қисмига зарб билан урди. Кутилмаган зарбдан сесканиб кетган Анвар бир муддат ўзини йўқотди. Иккинчи зарбага шайланаётган Аблазнинг кўлига ёпишди. Дўстига нисбатан бақувват бўлган Анвар рақибини бир-икки силтаб ташлади. Лекин биринчи зарбадан олган жароҳати туфайли кўп қон йўқотгани сабаб ҳолсизланиб қолди. Пайтдан фойдаланган Аблаз Анварнинг бош ва бўйин қисмига 4-5 марта болта билан уришга улгурди.

Турмуш ўртоғининг йўқ бўлиб кетганидан хавотирга тушган Сайёра ташқарига чиққач, даҳшатли манзарани кўриб қотиб қолди. Ерда эрининг жонсиз танасини кўрган Сайёра Аблазга:

— Сенга нима керак? Хоҳлаган нарсангни ол! Фақат менга, боламга тегма! — Сайёранинг илтижо-

ли бу сўзлари Аблазга ёқмади. Болтанинг ўткир тигли қисми билан унинг бошига урди. Сайёра нидо чиқаришга ҳам улгурмай ерга йиқилди.

Хонадон эгаларини ўлганига тўла ишонч ҳосил қилган Аблаз уй ичидан пулни қидириб, ҳамма нарсаларни сочиб юборди. Буюмларнинг тарақлашидан уйғониб кетган, энди-гина беш ёшга тўлган Маҳмуд дадасининг дўстини кўрди-ю, ундан ота-онасини сўради.

— Улар ташқарида, ҳозир келишади. — Аблазнинг бу жавобидан қониқмаган Маҳмуд ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди.

— Қаёққа кетаяпсан, ташқари совуқ, қор ёғаёпти? Дадан билан аянг бир жойга кетишган. Ҳозир келишади.

Аблаз шундай дея Маҳмудни уйга олиб кирди-да, болтанинг орқа томони билан бошига зарб билан урди. Ҳали ота-онасининг меҳрига тўймаган, ўйин-томошадан бошқа нарсани ўйламайдиган Маҳмудбек бир типирчилади-ю, жон таслим қилди.

Аблаз меҳробга йиғилган тўшаклар қатига яширилган пулларни топди-

да кўчага чиқди. Атроф қоронғу. Майдалаб ёғаётган қор ер юзасини қоплаган эди. У болтанинг юзидаги қон доғларини ювди-да, яна ўтинхонага ташлаб кетди.

Уйига келгач, пуллар тахламини кўздан кечириб, пул ўралган Сайёранинг рўмолини ҳожатхонага ташлаб юборди. Қон теккан кийимларини эса уй томига олиб чиқиб, хашақлар орасига яшириб қўйди.

Аблаз эрталаб хотини ва болаларини олиб бозорга кетди. Икки кун аввал хотини пул сўраганда “пулим йўқлигидан сигаретни ҳам бошқалардан сўраб чекаяпман” деган Маҳмуд бозордан ўзига, хотинига, болаларига 70 минг сўмдан ортиқ уст-бош сотиб олди.

Эрталаб соат 9.00 лар атрофида Хўжабод туман ИИБ навбатчилик қисмига Ордай кишлоғида юз берган қотиллик жинояти ҳақида хабар келиши биланок тезкор қидирув гуруҳи тузилиб, ишга киришилди. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари милиция полковниги Л. Ботиров ва вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Н. Курбонов раҳбарлигида гуруҳ тузилиб, унга вилот ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бошқармасининг тажрибали ходимлари жалб қилинди.

Тунда ёққан қор жиноят изларини очишда қийинчиликни юзага келтирди. Лекин ўз ишларининг пухта билимдонлари бўлган изкуварларнинг саъй-ҳара-

катлари самарасиз кетмади. Марҳумларнинг қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлари, дўстлари билан олиб борилган суҳбатлар натижасида қалаванинг учи марҳум Анварнинг яқин дўсти Аблазга бориб тақалди. Суриштирувлар натижасида Аблаз ўз айбига иқдор бўлди. Унинг уйдан қон теккан уст-бошлари, жабрланувчилардан тортиб олинган пуллар далилий ашё сифатида олинди.

Ушбу жиноят уч кунда очилди. Лекин изкуварлар шу уч кун ичида кишининг совуқ кунларида кўп заҳмат чекишди. Жиноятнинг очи-лишида вилот ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Л. Ботиров, вилот прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Н. Курбонов, вилот ИИБ ЖКБ бошлиги, милиция полковниги Ш. Қирғизов, вилот прокуратурасининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси М. Иброҳимов, вилот ички ишлар бошқармаси, жиноят-қидирув бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили, милиция майори Э. Ҳайдаров, Хўжабод туман ИИБ ЖКБ бошлиги, милиция капитани Ё. Нурматов, бўлинманинг тезкор вакили, милиция катта лейтенанти О. Саидов ва бошқаларнинг хизматлари катта.

Аблазнинг ваҳшийларча қилган хатти-ҳаракати юзасидан одил суд ўзининг ҳукмини эълон қилди, албатта. Зеро, жиноятга жазо муқаррардир.

Фарҳод ЭРҒАШЕВ,
милиция подполковниги.

Андижон вилояти ИИБ хабарлари

Андижон шаҳрининг “Тожиқ” маҳалласида яшовчи Шерали Ж. тоғаси Қўчқорникига меҳмонга борди. Меҳмондорчилик қуюқ бўлди. Шундай базму жамшидда нимадир етишмаётганини ҳис этган Шерали чўнтагидан гиёҳвандлик моддасини олиб, томирига игна санча бошлади. Шу зайлда бир дам ўтирди. Бироқ, кўз ўнги қоронғулашиб, ўзини нохуш сеза бошлади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, у кўп миқдорда гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиши натижасида заҳарланиб, воқеа жойида вафот этди.

Андижон шаҳридаги “Мадад” фирмасининг раҳбари Абдусит Қ., Пахтабод туман ҳокимлигига мададга борди. “Маънавият ва маърифат” марказига учраб “Тинчлик” лотереясини сотиб бериш ҳақидаги фикрини билдирди. Ҳамиша кимнингдир мададига муштоқ ходимлар Абдуситга ўн беш минг дона лотереяни қўш-қўллаб узатдилар. Лотереяни 1.500.000 сўмга сотган йигит эса ушбу пулни ўз вақтида қайтариб беришга бир оз эринди ва охирини ўйламай ўзлаштириб юборди.

Асака тумани Ахтачи кишлоғида яшовчи Раҳматулло Т. акасига қарашли бўлган “ГАЗ-53” русумли ёнилғи ташувчи автомашинанинг цистернасини тозаламоқчи бўлди. Ёнилғи ҳидидан боши айланиб ташқарига чиқишга қийнала бошлади. Бир амаллаб уни ташқарига олиб чиққан акалари эса зудлик билан касалхонага йўл олишди. Заҳарланиб улгурган йигит эса касалхонага етмасиданоқ вафот этди.

Олтинқўл тумани С. Ашуров жамоа хўжалигида яшовчи, ўн икки ёшли Азизилло Н. ҳовлида уйнаб юриб, нарвонга яқинлашгач, тўхтаб қолди. Ҳаёлига келган фикрдан қувониб кетди. Югуриб бориб арқонни олдида, нарвоннинг энг юқори қисмига боғлади.

— Ана энди ҳалинчалак учаман, — қувонди у.

У ҳалинчака ўтириб, ерни тепинган ҳам эди-ки, арқондан сирғалиб тушди. Шу тоб у бўйнидан арқонга илиниб, типирчилай бошлади. Овози чиқмас, бўйнидаги сиртмоқни олиб ташлашга эса ақли етмасди. Кўз очиб юмгунича, ҳаммаси тамом бўлди. Азизилло шу жойнинг ўзида оламдан кўз юмди.

С. ХУСАНЗОДА.

Кишилар бор: билиб-билмай жиноятга қўл урадилару, қилмишларига яраша жазони ижро этаётганда афсус-надомат чекиб, виждон азобида қийналадилар. Муассасадан қайтгач, бундай боши берк кўчага кириш у ёқда турсин, унинг яқинига ҳам йўлашмайди. Аммо бошқа тоифадагилар ҳам борки, озодликка чиққач, ҳеч вақт ўтмай яна тиканли сим ортини “қўмсаб” қолишади.

ИСНОД

Қарши тумани “Наврўз” кўрғонида яшовчи Павел Усов ҳам иккинчи тоифага мансуб бўлиб чиқди. Ўз қилмиши билан маҳалладошлари юзини ерга қаратди. Жазони ижро этиш муассасасидан келганига бир йил бўлмай яна жиноят содир қилди. Турмуш ўртоғи ва бир фарзандининг юзини ерга қаратди.

Ҳаммаси ичкиликнинг касофати. Шу куни ўша зорманда ичилмаганда эҳтимол бундай фожа рўй бермас эди. Учала улфатнинг бирортасидан бугунги суҳбатни ичкиликсиз, самимий гурунглашиб ўтказиш ҳақида жўя-

ли гап чиқмади. Аксинча, Павел уйига бошлаб келган таниши Боязид ҳамда уй бекаси Евгения икки шиша винони тезда ичиб тугатишди. Анча вақтгача кайфу сафо таъсирида валдирашиб, хонани бошларига кўтаришди. Учовлон етаклашиб кўчага чиқишганда соат 24.00га яқинлашганди. Улар сигарет олиш учун Мақсуд Аслоновнинг хусусий савдо дўкони-га йўл олдилар.


Дўкон ёнидаги ўриниқда уч йигит гаплашиб ўтирарди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай йигитларнинг бу ерда тўпланиб туриши шубҳали эди. Бундай

шубҳа дастлаб Павелнинг хотини Евгениянинг кўнглига гулгула солди. Ҳар ҳолда аёл киши-да. У уч йигитнинг кайфи тароқ эканлиги, бирор қор-хол юз беришини сезди, шекилли, Боязидни шу ерда қолдириб, Павелнинг ўзини жўнатди.

Павел дўконга кираётганда ўтирганлардан бири уни ҳақорат қилди. Шунда Павел ортига қайтиб унинг гирибонидан олди. Муштлашув бошланди. Уларни ажратиш учун Боязид югурган эди, Павел лип этиб дўконга кириб кетди. У пештахта устидан сакраб ўтиб, унинг тагида турган пичоқни олиб чиқди ва йигитга ташланди. Фозил Элбобоев чап кўкрагига санчилган тигдан кўп қон йўқотиб, ерга йиқилди. Павел эса қўлидаги қонга беланган пичоқни улоқтирди-да, хотинига “сен уйга боравер, мен милицияга кетдим” деб туман ИИБга йўл олди...

Ушбу воқеа ичкиликка берилганларга ўрناк бўлишини истардик.

А. ЭЛМИРЗАЕВ.



КРОССВОРД

Энига: 1. Халқ мақом куйи. 4. Мунгли, ғамгин, ҳасратли. 7. Давлат нишониси, герби. 8. Ҳимоя учун тўсиқ. 14. Хушбўй модда, мушк. 15. Камонли чолғу асбобларининг энг каттаси. 17. Ингичка, пишиқ, товданиб турувчи тола. 18. Қаттиқ тоғ жинси. 19. Уй деворининг ер билан тоқча орасидаги қисми. 21. Пайғамбар шахри. 22. Катта ёнғоқ. 23. Қамчининг тури. 29. Индикатор модда. 30. Янги туғилган болага исм қўйиш билан боғлиқ маросим. 31. Жароҳнинг қуроли. 32. Қадимий ҳинд адабиёти ёдгорлиги. 33. Сув “футболи”. 36. Қурилиш ашёси. 37. Венера сайёрасининг арабча номи. 39. Жуда гўзал, нозанин. 41. АҚШда ишлаб чиқариладиган самолёт русуми. 42. “Гўрўғли” туркумидаги дostonлардан бири.

Бўйига: 2. Кишини беихтиёр мафтун этувчи сехр. 3. Полиамид толанинг номи. 5. Оқим, йўл, таълим. 6. Шоҳмат ўйини атамаси. 9. Виждоний поклик, номус ҳиссиёти. 10. Бадий адабиётнинг бир тури. 11. Тўқимачилик атамаси. 12. Нон тури. 13. Таомни хушбўй қилувчи зиравор япроқ. 15. Углеводларнинг эски номи. 16. Олма нави. 19. Ўзини тута билиш, чидам ва тоқат. 20. Қадимий транспорт тури. 24. Қадимда шарқда Жолинус номи билан шуҳрат қозонган Рим табиби. 25. Кўкрак, гавда. 26. Шеърнинг ҳар бир қатори. 27. Сувда яхши эрийдиган асосли модда. 28. Қирғиз халқ эпоси. 34. Албаниядаги шаҳар. 35. Йўқлаб олинадиган буюм, пул. 38. Чавандозлик маҳоратини синовчи ўйин. 40. Оналар қўшиғи.

Жамил РЎЗИҚУЛОВ.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba
kunlari chiqadi.

**Bosh muharrir
Zokir ATAYEV**

Erkin SATTOROV
(Bosh muharrir
o'rinbosari v. b.)

Mas'ul kotib
B. AZIMOV
Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA

Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinbosari — 139-77-23.
Mas'ul kotib 139-73-88.
muxbirlar
bo'limi 139-75-69.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91,
peyjer: ... (088) 36-97, 55-19.

Elektron pochta
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamimiz
O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki
Toshkent shahar Bosh
boshqarmasi hisob-kitob —
kassa markazida:
21596000200447980001,
MFO 00014.

- Ko'chirib bosishda
«Postda»dan ekanligini
ko'rsatish shart
- Maqolada keltirilgan
raqamlar, faktlar va
boshqa ma'lumotlar,
shuningdek, ochiq e'lon
qilinishi mumkin bo'lmagan
ma'lumotlar uchun muallif
javobgar hisoblanadi.
- Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
- Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasida 00007 raqam
bilan ko'yxatga olingan
Buyurtma № 2222.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish
vaqti — 19.00.
Bosishga
topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — 180

93 795 nusxada chop etildi.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.

Спорт

ПАХЛАВОН МАҲМУД ИЗДОШЛАРИ

1999 йил 30 март кuni Саримой кўрғонида куrollанган
жиноятчиларни кўлга олишда Сергей Давидов, Эрик
Гаязов, Сергей Ничипуренко ва Фарход Собировлар
мардлик кўрсатиб халок бўлишганди.

Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасида мард йигитлар
хотираси учун самбо бўйича мусобақалар ўтказиб туриш йўлга
қўйилди.

Мусобақада барча туманлардан вакиллар қатнашиб, олти
вазн бўйича биринчилик учун кураш олиб боришди. Урганч ва
Питнак шаҳри, Хива, Янгибозор, Шовот тумани ходимлари са-
ралаш босқинчида яхши натижаларга эришдилар.

Халқаро тоифадаги спорт усталари, самбо бўйича Осиё чем-
пионати кумуш медали совриндорлари Тоҳир Бобононов, Али-
шер Йўлдошев ўз вазн тоифаларида биринчиликни кўлга кири-
тишди. Шунингдек, спорт усталари Руслан Йўлдошев, Шерали
Нуржонов, Озод Диванов, Даврон Жалоловлар ҳам шохсупанинг
энг баланд погонасидан жой олишди. Фолибларга вилоят ИИБ
Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Яккасарой тумани ИИБ томони-
дан Алишер ШЕРМАТОВ бедарак
йўқолгани учун кидирилмоқда. У
1980 йилда туғилган. Toshkent вилоя-
ти Чиноз тумани Эгамбердиев кўча-
сида яшаган. 2001 йил 18 февраль кuni
кундуз соат 11.00 лар чамасида тўқи-
мачилик комбинати худудида йўқолган.
Белгилари: бўйи 160 см, руҳий
касал, ўзи ҳақида маълумот беролмай-
ди, исмини айта олади.
Кийимлари: эғнида тўқ кўк рангли
“Аидас” спорт костюми, оёғида қора
лайпкок ва калиш бўлган.

Гўзалкент-тумани ИИБ томонидан
Зухриддин Шоимович ТУРАЕВ киди-
рилмоқда. 1986 йилда туғилган. Самар-
қанд шаҳар спорт мактаби ўқувчиси.
2000 йил 14 октябрь кuni эрталаб спорт
мактабига машғулотга кетган, лекин
мактабга бормаган, уйга ҳам қайтмаган.
Белгилари: бўйи 170-175 см, нов-
ча, озгиндан келган, сочи қора.
Кийимлари: эғнида яшил спорт
костюми, оқ йўлли кўйлак, кўк рангли
футболка, қора рангли шим, оёғида 42
ўлчамли қора туфли бўлган.

Алоҳида белгилари: чап кўзининг
пастиди қора холи бор, қулоғи оғирроқ, чап қовуғида ёшликда
куйган жароҳат ўрни бор.

Номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаер-
далигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлими-
га хабар беришларини сўраймиз.

Тoshkent вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЖИЭБ
шахсий таркибини жамлаш бўлини маси бошлиғи, милиция капи-
тани Олим Умаровга синглиси
Фотиμα УМАРОВАнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик
билдирадилар.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби
Қарши тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, мили-
ция майори Зокир Обиловга отаси
КУРБОН БОБОНИНГ
вафоти сабаб чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ДАНББ ХАБАРЛАРИ

СЕШАНБАДАН СЕШАНБАГАЧА...

2001 йилнинг 20 февралидан 26 февралигача республикаимиз автомобиль
йўлларида жами 177 та йўл-транспорт ҳодисалари содир этилди. Бунда 32
нафар ҳамюртларимиз халок бўлишди ва 183 таси турли даражадаги тан
жароҳатлари олишди.

Ўтган етти кун мобайнида йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан
жами 59514 та кўпол қондабузарликлар аниқланди. Шундан 1993 хайдовчи
транспортни маст ҳолда бошқаргани учун, 7914 хайдовчи тезликни
меъёридан ошириб юборгани, 2430 хайдовчи светофорнинг тақиқловчи қизил
чироғида чорраҳадан ўтиб кетганлиги учун ДАН ходимлари томонидан
тўхтатилдилар ва уларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилди.

Шунингдек, ҳафта мобайнида 16004 пиёда қондабузарликка йўл қўйди.

Қашқадарё вилояти Яккабў тумани:

23 февраль кuni соат 10.00 ларда У.Эш-
қобилов ўзининг “Дамас” русумли авто-
мобида пиёда М.Султоновни уриб юбор-
ган. Натижада М.Султонов тан жароҳати
олиб касалхонада вафот этган.

Самарқанд вилояти Пойариқ тумани:

23 февраль кuni соат 16.30 ларда А.Ку-
босев отаси Қ.Кубосевга тегишли бўлган
“ИЖ-2125” русумли автомобили бошқа-
рувини йўқотиб дарахтга бориб урилган.
Натижада хайдовчи тан жароҳати олиб ка-
салхонада вафот этган, унинг йўловчиси
Р.Жиянов касалхонага ётқизилган.

Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани:

23 февраль кuni соат 11.30 ларда Э.Жў-
раев ўзининг “Тико” русумли автомобили
билан қаршисидан келаётган А.Мансуров
бошқарувидаги “ВАЗ-2121” русумли авто-
мобида тўқнашув содир этган. Натижада
“Тико” хайдовчиси тан жароҳати олиб
касалхонага ётқизилган, унинг йўловчиси
Х.Жўраева тан жароҳати олиб касалхона-
да вафот этган.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри:

23 февраль кuni соат 8.30 ларда Тош-
кент-Гулистон йўлида Б.Ашуров ўзининг
“Нексия” русумли автомобили билан қар-
шисидан келаётган Р.Шокиров бошқару-
видаги “ГАЗ-31” русумли автомобили би-
лан тўқнашув содир этган. Натижада “ГАЗ-
31” йўловчиси А.Турсунов воқеа жойида
халок бўлган, хайдовчилар Б.Ашуров ва
Р.Шокировлар тан жароҳати олиб касал-
хонага ётқизилганлар.

Фарғона вилояти Фарғона тумани:

25 февраль кuni соат 18.00 ларда А.Қўл-
дошев шахсий “Тико” русумли автомоби-
лида вояга етмаган Н.Позилкаримовани
уриб юборган. Натижада бола касалхонада
вафот этган.

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани:

25 февраль кuni соат 16.50 ларда Г.Тол-
кодобов шахсий “ВАЗ-968” русумли авто-
мобилини бошқараётган, “Туман ИИБ” бе-
кати рўпарасида болалар боғчаси тарбияла-
нувчиси И.Ақромовни уриб юборган. Бола
касалхонага олиб боришда халок бўлган.

Зариф ЎСАРОВ,

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАН
Бош бошқармаси инспектори, милиция лейтенанти.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жазони ижро этиш
Бош бошқармасининг муассасаларида ўрта ва катта
бошликлар таркибидаги вакант лавозимларда хизмат қилиш
учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ходимлар
таклиф этилади:

шифокорлар (терапевтлар, жарроҳлар, физиотрлар,
невропатологлар, дерматовенерологлар), иқтисодчилар,
ҳисобчилар, педагоглар, олий маълумотли ҳуқуқшунослар.

Вакант лавозимларга тавсия этилаётган
номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бе-
риши зарур: ёши 30 дан ошмаган бўлиши
(шифокорлар учун 35 ёшгача), Toshkent шаҳ-
ри ёки Toshkent вилоятидан доимий рўйхат-
дан ўтган бўлиши, эркакларнинг бўйи 170 см,
аёлларники эса 165 см.дан паст бўлмасли-
ги, эркаклар ҳарбий хизматни ўтаган ёки за-
хирадаги офицер бўлиши шарт.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тoshkent шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона
шоҳ кўчаси, 25-уй. Ўзбекистон Респуб-
ликаси ИИБ ЖИЭББ Шахсий таркиб билан
ишлаш хизмати. Мўлжал — Ҳамза тумани
ҳокимлиги биноси яқинида.

Маълумот олиш учун телефонлар:
191-40-09, 191-93-06.